



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 15-sentabr №36 (4747)

Зулфия Хаитовна педагоглар сулоласидан. Онаси Ризвон Мажидова эллик йил Когондаги мактабларда боилангич синфларга дарс берган. Зулфия мактабда яхши ўқиган, ҳатто бадиий ҳаваскорлар танловида совриндор ҳам бўлган. Онаси унинг опера кўшиқчиси бўлишини хоҳларди, лекин у: “Она, мен сизнинг изингиздан бораман, ўқитувчи бўламан”, деди. Бугун у ўшанда тўғри қарор қабул қилганидан мамнун, ўзини бир дақиқа мактаб таъқиқларисиз, болаларсиз тасаввур қила олмайди.

МЕХР МИСОЛИ ОФТОБ

Ҳар ҳолда, Зулфия Абдураимова касбига фидойилик билан ёндашиб, кам бўлмади, у Халқ таълими аълочиси, Халқ таълими фидойиси, “Меҳнат шухрати” ордени нишондори. Булардан ташқари дарсликлар, услубий кўлланмалар, диктантлар ва тестлар тўпламларининг, “Мактаб кутубхонаси” туркумидаги адабиётларнинг муаллифи. Қирқ йилдан ортиқ давр ичида эришганлари фақат шулар эмас, балки юзлаб, минглаб ўқувчилар қалбида моҳир педагог сифатида унинг ўрни бор.

Орзу-умидлари Зулфияни Республика рус тили ва адабиёти институтига етаклаб келган. Институтни битириб, дастлаб Саъди Сирожиiddинов номидаги махсус мактабда дарс берди, аспирантура-ни битирди. Бирок мактабнинг сершовкин ҳаёти унинг кўнглига яқин эди, шу боис болажонлар бағрига қайтди. Айни пайтда у Юнусобод туманидаги 250-мактабда рус тилидан дарс бермоқда.

Зулфия Хаитовна ўз дунёқараши, этикодидан келиб чиқиб, таассуротларини шундай баён этди:

— Биз ўзбекмиз, бошқа халқларга киёслаганда ҳеч кимдан кам бўлмаган ифтихоримиз бор. Миллий адабиётимиз, тарихимизга дунё ҳавасда, фақат уларни тарғиб-ташвиқ

килишни кучайтириш лозим. Бунинг учун, аввало, мактабда ўқувчиларга ана шу хисни сингдириш шарт. Ана шу юмушда туну кун изланиб яшаймиз.

Мактабда ўқитувчи фаолиятининг асосий кўриниши — дарс. Дарса устознинг бутун борлиги намоён бўлади. Бу ҳақиқатни Зулфия опа аллақачон инкишоф этган. Шунинг учун бор тажрибасини қўлаб, дарсада ўзлигини намоён этишга интилади.

— Синф хонасига кириб келганимда, саксонга кўз менга тикилиб туради, — дейди З.Абдураимова. — Улар мендан нимадир олиш илинжида. Шунинг учун атай мактабга келган, ота-онаси уни ҳар қандай юмушдан озод этиб, яхши кийинтириб, тўйинтириб билим даргоҳига жўнатган. Бу ҳолни хис этмаслик мумкин эмас. Ана шу беғубор нигоҳлар хурмати дарсада бор маҳоратимни ишга соламан. Кўпинча бирор шеърни ёддан, таъсирли ўқиш билан дарсимни бошлайман. Боланинг хис-туйғулари уйғонади, шундан кейин уни “меҳнатга жалб қиламан”, 45 минут давомида ишлашига эришаман. Бир дақиқа ҳам бекор кетмайди.

Зулфия Хаитовна 2009 йили “Энг яхши фан ўқитувчиси” танловида 1-ўринни эгаллади. Шундан кейин

2023-yil — Insonga e'tibor va sifatli ta'lim yili



унинг тажрибаларига кизиқиш кучайди, кўплаб илмий-услубий кўлланмалар тайёрлашга жалб этилди. У педагогиканинг улкан илм эканини, бола тарбиялаш масъулиятини яхши билди, шунинг учун ўз ишига жиддий ёндашади. Ана шу мезонлардан келиб чиқиб бизнинг миллий тарбия усулларимиз билан европача ёндашувларнинг мусбат-манфий томонларини аниқ таснифлай олади. Унинг миллий ва Европа таълим услублари, ана шу маданиятларга хос болаларнинг киёфаси, мактабдаги ҳаёти бизни кўпроқ қизиктирди. Бу борада Зулфия Абдураимова ушбу ҳулосалари, қолаверса, тавсиялари бор.

— Биласизми, икки маданият, икки миллатни киёслаш кўз олдимизда турфа манзараларни ҳосил қилади. Асосий кўзга ташланадиган жиҳат шуки, Ғарб маданиятига хос болалар тез улғаяди. Ҳатто соат сайин. Бунинг аниқ сабаблари бор. Иккита ҳолатни таъкидлашни истардим.

Сухбат давомида баён этилган мулоҳазалар масалага чуқурроқ разм солишни тақозо этади. Бизнинг болаларда кўзга ташланадиган

биринчи ҳолат мўмин-қобиллик. Бунинг сабаби миллий тарбия усулларимизда. Бизда катталарнинг гапига қулоқ солиш, уларнинг ирода-сига бўйсунуш сингдирилади, бола “Нима бўлса ҳам, катталар билди”, деган ақидага ўрганиб қолган. Бу яхши, кейинчалик ота-онасини ташлаб қўймаслиги ва бошқа кўплаб фазилатлар шундан. Шу билан бирга, бунда бола табиий қобилиятларини чеклаш, бир қолипга солишга уриниш бор. Аксинча, она тарбиясида исталган масалада боланинг мустақил фикри бўлишига эришиш зарур. Бунинг учун ҳар бир нарсанга унинг муносабатини сўраш, шахсий фикрини шакллантириш, уни тўлдириб бориш шарт бўлади. Болалар боғчаларида ҳар бир тарбияланувчининг фикрини алоҳида сўраш, мактаб таълимида ҳам буни изчил тарзда атрофлича давом эттириш керак. Шунда ҳар хил фикрлаш (масалан, катталарга ҳамманинг қулоқ солиши қаторида ўзининг ҳам муносабати) шаклланиб боради. Ана шу нуқтада боланинг ўзлиги (ўз сўзи, киёфаси, муносабати) шакллана бошлайди.



She'riy lahza

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ВАТАН

Агар дўстлар эрур содиқ бир-бирин қийратиб бўлмас,
Агар қилгил неча фитна аларни айратиб бўлмас.
Демиллар: мору қушни бир қафасда асратиб бўлмас,
Ватандан айри кўнгилини билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Ватан деб мен баён қилдим, аё дўстлар, мухаммасни,
Ватанни ким улуг билди, азиз билдим мен ул касни.
Ватан деб жўш ураб эрса кўтаргум бошимга хасни,
Ватандан айри кўнгилини билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Надомат бирла бокғайман ватансизларга ҳар доим,
Эгиб бошини зор йиғлар, агарчи давлати қойим,
Фақир бўлсам-да бор юртим — тожу тахтим, борар жойим.
Ватандан айри кўнгилини билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Боболар кечмишин ҳаргиз фаромуш айламанг, дўстлар,
Ҳақиқат тонги отганда ани туш айламанг, дўстлар,
Агар ким эътиқодсиздур, ани хуш айламанг, дўстлар,
Ватандан айри кўнгилини билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Диёрим Ўзбекистондур, ки андин ифтихорим бор,
Демакким, хур адолатлиғ, давлати барқарорим бор,
Онамдек меҳрибон, мунис Ватан бор, ғамгузорим бор,
Ватандан айри кўнгилини билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Ватан, сен хур, йўлинг шонли, кадамни ташлагин шахдам,
Фахр-ла бокғай Абдулло, кўзида шодлигидан нам,
Паноҳингни тилаб Ҳақдин дилида илтижо ҳар дам,
Ватандан айри кўнгилини билингки, яйратиб бўлмас.
Баайни банди булбулни чамансиз сайратиб бўлмас.

Mujda

ЎЗБЕК АДАБИЯТИНИНГ КИТОБИ ҚИРҒИЗ РЕСПУБЛИКАСИДА НАШР ЭТИЛДИ

Таниқли ёзувчи Хайридин Султоннинг “Жоқчулук жана тоқчулук” (“Йўқчилик ва тўқчилик”) китоби Қирғиз Республикасининг Бишкек шаҳридаги “Турар” нашриётида педагогика фанлари доктори, профессор Абдукарим Муратов таржимасида қирғиз тилида чоп этилди.

Нашрдан адибнинг турли йилларда ёзилган, китобхонларга яхши таниш бўлган “Йўқчилик ва тўқчилик”, “Дунёнинг сирини”, “Онамнинг юрти”, “Чоллар палатаси”, “Ё, Жамжид!”, “Чайладаги тўрт эркак”, “Омад”, “Қоғоз гуллар”, “Бир окшом эртаги” каби асарлари ўрин олган.

Китобга сўзбоши ёзган Халқаро ТУРКСОЙ ташкилотининг Бош китоби, Қирғиз халқ ёзувчиси Султон Раев таъкидлаганидек, бу китоб туркий элларнинг маданиятларини бир-бирига янада яқинлаштириш йўлидаги муҳим кадамлардан биридир. Зеро, бу каби ижодий лойиҳаларни амалга ошириш халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга, адабий алоқаларни кенг ривожлантиришга хизмат қилади.

Taqdimot

Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровнинг “Адабиёт дунёси” деб номланган саккиз жилдли тўплами тақдимотида бағишланган маърифий анжуман бўлиб ўтди. Ушбу тўплам “Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров ҳақидаги фикрлари” сарлавҳали сўзбоши билан боиланган.

“АДАБИЁТ ДУНЁСИ”

“Жозоба” деб номланган биринчи жилдан олимнинг 1960 — 1970 йилларда нашр этилган “Ўзаликнинг олмос қирралари”, “Ёнар сўз” ва “Жозоба” сингари адабий-танқидий рисоалари ўрин олган.

“Юрак — аланга” деб номланган иккинчи жилда 1970 — 1980 йилларда ёзилган уч рисола — “Ям-яшил дарак”, “Юрак — аланга”, “Лириканинг юраги” рисоалари жамланган. “Шеърят — изланиш демек” деб номланган учинчи жилда муаллифнинг XX аср 50 — 60-йиллар ўзбек шеърятига бағишланган мақолалари ва “Прозанинг шоири” номли рисоласи бор. Тўртинчи жилд “Дил эркинлиги”, бешинчи жилд “Ҳаё — халоскор”, олтинчи жилд “Мангу лафозат” ва еттинчи жилд “Паривашлар мажлиси” деб номланган. Қолган жилдлардан адибнинг бади, мансура, эссе, насрий дoston ва адабий сухбатлари ўрин олган.

— 1949 йили 12 ёшимда мактабдош дўстим Эркин Воҳидов билан Ойбекнинг “Олтин водийдан шабадалар” асарини ўқиб чикдик, — дейди Иброҳим Ғафуров. — Ҳозирги ёшларда биз ўша 12 ёшимиздагидек китобга

ошноликни, китобдан яхшилик кидиришни, унга завқ-шавқ билан интилишни жуда соғинаман. Зеро, инсонга йўл танлаш қобилиятини қўл телефонлари эмас, айнан китоблар беради.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиiddин Саййид, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, таниқли адиб Хуршид Дўстмухаммад, шоира Шарифа Салимова ва бошқалар Иброҳим Ғафуров адабий фаолиятининг ўзбек адабиётида тутган ўрни, бадиий маҳорати ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.



17 sentabr — Abdulla Qahhor tavallud topgan kun

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор уй-музеи ўттиз олти йил муқаддам ташкил топган. Шу вақт мобайнида уй-музей илмий-маърифий масканга айланди. Тўрт хона, айвон ва кириш йўлидан иборат музейнинг биринчи қаватида меҳмонхона ва иккинчи қаватидаги кутубхона мемориал хоналар. Улардаги экспонатлар адиб ҳаётлигида қандай бўлса, бугун ҳам айнан ўзгаришсиз ҳолатда сақланмоқда. Меҳмонхонада катта думалок стол, стуллар, сервант, телевизор, патефон, радио-магнитофон ўрин олган. Адиб бу хонада дўстлари, ёзувчи ва шоирлар ҳамда бошқа меҳмонларни қабул қилган. Меҳмонхона кўпроқ ижодкорлар билан гавжум бўлиб, унда адабиёт ва унинг равнаки хусусида кизгин гурунлар бўлган. Адиб ёш ёзувчилар асарларини ўқиб, йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳатлар берган. Саид Ахмад, Пиримкул Қодиров, Шухрат, Одил Ёқубов, Учқун Назаров сингари ёзувчилар, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Матқуб Қўшонов каби адабиётшунос олимлар бу меҳмонхонага тез-тез ташриф буюриб, устоз билан ижод ва унинг муаммолари ҳақида кизгин сухбатлар қурганлар.

Абдулла Қаҳҳорнинг болалиги ва ёшлик даври ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар орасида темирчиликка оид буюмлар кўзга яққол ташланиб, “Ўтмишдан эртаклар” кассаси воқеалари кўз



ўнгиридан ўта бошлайди. Адибнинг отаси Абдуқаҳҳор Жамилов темирчилик асбоблари — боскон, турли хил қисқичлар, болгалар, тигли асбобларни ўтқирлаш учун ишлатиладиган чарх, кумғон-самовар, чойнак, сув сақланадиган идиш каби рўзгор буюмлари ёдга солади. Болалигида бўлажак адиб боскон босиб отасига ёрдам берган.

Кийим-кечаклар, фотосуратлардаги адибнинг болалиги, ўша даврнинг ижтимоий ҳаёти, Абдулла Қаҳҳор ва унинг она аъзоларининг яхши-ёмон кунлари ўтган қишлоқлар номи, XX аср бошларидаги қўқонча эркаклар чопони ва аёллар паранжиси, Қўкон педагогика билим юртидаги фаолиятидан ҳикоя қилувчи бир қатор ҳужжат ва суратлар адибнинг ёшлик даврини тасаввур этишда муҳим омил бўлади.



Boshlanishi 1-sahifada

МЕХР МИСОЛИ ОФТОБ

Boshlanishi 1-sahifada

Этибор беринг, бизда бола таълим-тарбияси, билим олиши, шахсининг шаклланиши сингари юмушларнинг 70-80 фоизи, хатто ундан кўп улуши мактаб зиммасига тушади. Бу жараёнга ота-она қанча ҳисса қўшади? Бизда “Бола тарбияси – мактабнинг иши. Бунинг учун уларга давлат пул тўлайди. Вазифасини бажарсин” деган ўта қолоқ тушунча сингит қолган. Холбуки, бола ота-онаники, бола уларнинг қимлигини яқиндан билишни хоҳлайди, боқувчиси билан гаплашишни, улардан ҳаётнинг тажрибаларини эшитишни истайди. Шунинг баробарида бола учун ота-онанинг фарзандига бадийий адабиётдан, илм-фан янгиликларидан сўзлаб бериши, ибратли воқеалар мисолида панд-насихат қилиши, қолаверса, оила шажараси, ажодлар ҳақидаги хикоялари жуда қизиқ.



Аммо ота-оналар бунга вақт топа оладими? Уларнинг интеллектуал салоҳияти фарзандига ижобий таъсир этадиган даражадами? Кечирасиз-у, аксарияти бозордан ортмайди (тирикчилик ташвиши) ёки чойхонадан бери келмайди-ку. Албатта, тартибли ота-оналар маъзур тугсинлар, аммо мактабда қоракўзлар лоқайд ўтиради, фақат мактаб берган кўникма билан яшаётгани билиниб туради, яъни “хуржун бўш бўлади”. Чунки мактаб умумий кўрсатмалар беради, ўзига хос фазилатлар эса яқма-яқка суҳбатларда, яъни бола билан ота-онанинг мулоқотларида шаклланади.

Айни пайтда таълимга ҳам инновацион ғоялар жадал кириб келяпти, турли кўргазмалар курулган (уларнинг аксарияти автоматик тарзда ишлайди) жорий бўляпти. Булар ўқитувчи меҳнатини енгиллатиш билан бирга, болага самарали таълим-тарбияни сингдиришга хизмат қилмоғи жоиз. Чунки аксарларни чуқур эгаллаш керак бўлади. Мабоодо калитни белига осиб юрса-ю ишлатмас, у керакисиз матоҳга айланиб қолади. Ота-оналаримиз масаланинг бу томонини ҳисобга олсалар яхши бўларди.

Шубҳасиз, жараённинг ичида юрган, ҳар бир кадамини синчковлик билан кузатиб, ундан ҳулосалар чиқариб борган тадқиқотчи-педагогнинг жўяли фикрлари беихтиёр мулоҳазага қорлайди.

Зулфия Хайтовна айтган фикрлар қандайдир қўлланмаларга сиғмас ёки уларнинг ўлчамига тўғри келмас, аммо амалиётчи мутахассиснинг мулоҳазаларида жон бор. Этиборлиси – мактаб бир вақтнинг ўзида ижод ва илм майдони. Негаки, онгли инсоният шаклланишидан бери бола тарбиясига зарурат тўғилган ва унинг юзлаб-минглаб усул ҳамда йўналишлари юзага келган, лекин энг самарали йўли хали кашф этилгани йўқ, ҳамоно бу борадаги изланишлар давом этади.

Устоз педагог айни пайтда халқ таълимида давом этаётган ислохотлардан мамнун. Фақат бу янгилашларнинг миллий заминда, тарихий тажрибаларга асосланган бўлиши таъкидлашдан чарчамайди.

Тажрибали педагог ислохотлар жараёнида жорий қилинаётган янги-ча ёндашувларни ижобий баҳолаган

юзага келган, лекин энг самарали йўли хали кашф этилгани йўқ, ҳамоно бу борадаги изланишлар давом этади.

Устоз педагог айни пайтда халқ таълимида давом этаётган ислохотлардан мамнун. Фақат бу янгилашларнинг миллий заминда, тарихий тажрибаларга асосланган бўлиши таъкидлашдан чарчамайди.

Тажрибали педагог ислохотлар жараёнида жорий қилинаётган янги-ча ёндашувларни ижобий баҳолаган

юзага келган, лекин энг самарали йўли хали кашф этилгани йўқ, ҳамоно бу борадаги изланишлар давом этади.

Устоз педагог айни пайтда халқ таълимида давом этаётган ислохотлардан мамнун. Фақат бу янгилашларнинг миллий заминда, тарихий тажрибаларга асосланган бўлиши таъкидлашдан чарчамайди.

Тажрибали педагог ислохотлар жараёнида жорий қилинаётган янги-ча ёндашувларни ижобий баҳолаган

юзага келган, лекин энг самарали йўли хали кашф этилгани йўқ, ҳамоно бу борадаги изланишлар давом этади.

Устоз педагог айни пайтда халқ таълимида давом этаётган ислохотлардан мамнун. Фақат бу янгилашларнинг миллий заминда, тарихий тажрибаларга асосланган бўлиши таъкидлашдан чарчамайди.

Тажрибали педагог ислохотлар жараёнида жорий қилинаётган янги-ча ёндашувларни ижобий баҳолаган

Таъкидлаш жоизки, сурат олиш адибнинг энг сеvimли машғулотларидан бири бўлган. У доимий хамроҳи “Зоркий-4” фотоаппаратида олган сурат-лавҳаларнинг ҳар бири тарихнинг бир парчаси сифатида ўша давр ҳаётини тасаввур этишга ёрдам беради.

Адибнинг ижодиға бағишланган залда турли йилларда турли тилларда нашрдан чиққан асарлари,

Йўлакдаги экспозиция эса адибнинг Ҳиндистон сафари ҳақида хикоя қилади. Бугун музейимиздаги беш мингдан зиёд экспонат, хорижий меҳмонларга, юртимиз томошабинларига замонавий музейшуносликда анъана ва инновациялар уйғунлаштирилган ҳолда намойиш этилмоқда. Уларнинг асосий қисми юқорида айтилган бўлимлардан жой олган бўлиб, қолган қисми вақт-вақти билан намойиш этилиб келинмоқда.

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

турмуш ўртоғи, манбашунос олима Кибриё Қаҳҳорова билан ўзбек тилига таржима қилинган бир неча рус ёзувчиларининг асарлари ўрин олган.

Ёзувчи ижодини ёшларга чуқур ўргатиш, тарғиб қилиш мақсадида уй-музейда “Абдулла Қаҳҳор – халқчил ва ҳақиқий адиб”, “Адиб ҳаёти ва ижодининг ўрганилиши” каби мавзуларда хотира кечалари, “Абдулла Қаҳҳор асарларида ёшлар маънавияти” номли илмий-маърифий тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Абдулла Қаҳҳорнинг 1925 йилда “Қизил Ўзбекистон” газетаси ва “Ер юзи”, “Муштум” журналларида ишлаган даврида олинган сурати ҳамда таҳририят ҳаёти билан боғлиқ кўргазма бу хонадаги асосий экспозицияни ташкил этади.

2020 йил 15 июнда Тошкент Молия институтини ҳамда Абдулла Қаҳҳор уй-музейи ўртасида хамкорлик меморандуми имзоланиб, ушбу меморандум асосида Тошкент молия институтини талабаларига А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини ўргатиш, кенг тарғиб қилиш мақсадида уй-музейи ҳамда Адиблар хиёбонидаги ёдгорлик хайкали олдида илмий-амалий, маънавий-маърифий маърузалар ва тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Абдулла Қаҳҳор кутубхонаси адибнинг ижодхонаси ҳамдир. Бу хонадан ўзбек, рус ва жаҳон тилларида нашр этилган уч мингдан зиёд бадийий адабиётлар, журналлар ва лугатлар ўрин олган. Хонадаги стол, унинг устига қўйилган ёзув машинкаси, қаламдон, телефон, дафтэр, ручка, снэхдон – буларнинг бари ташрифчида адиб ҳамон ижод билан банддек тасаввур уйғотади. Музейнинг “Абдулла Қаҳҳор мероси” деб номланган бўлимида адибнинг 60, 80 ва 100 йиллик юбилейлари билан боғлиқ материаллар, эсдалик совғалари жамланган.

Санобар МАТЛУБОВА,
Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори

Adib va jamiyat

Шаҳар кўчаларини ҳар кун суғуриб-сидириб турмасанг, ободончилик соҳасида қилган ишларинг бир пул. Йўлакка ташланган ноҳўя битта нарса бир зумда минглаб одамнинг таъбини хира қилади.

Мисолни ўзим яшайдиган Тошкент шаҳрининг Афросиёб маҳалласидан олақолай. Кўчага чиқиб, қай томон юрманг, элчиқона, вазирлик, меҳмонхона, давлат муассасаси ё олий ўқув юрти қошидан чиқасиз. Бундай жойлар, албатта, нафақат ватандошлар, балки чет элликларнинг ҳам доимий назариди.

Тошкентда сахар уйғониб, кўчага биринчи бўлиб мен чиқаман, деган одам адашади. Исаботими? Илгари шоира Зулфияхонимга ёлгорлик ўрнатилган сўлим хиёбоннинг (ҳозир белорус адиби Якуб Колос бюсти қўйилган. Аҳоли у ерни ҳануз суюкли шоирамиз номи билан тилга олади) йўлакларини Тўйтепа, Бўзсувдан келадиган ажойиб сингилларимиз Умида Маърипова билан Одина Тожиева, этак томонини эса бектемирлик Рустамжон Мамадалиев аллақачон ёғ тулса ялағудек қилиб қўйган бўлади. Автокатнов тинмайдиған қатта, равон йўлларда эса Бўзсув томонлардан келадиган Тастангул Уролова, Майрам Шерова, Соҳиба Дадаева, Нурхон Асомовалар жавлон ураётган бўлади. Ажаб, дейсан ичингда, улар шунча масофадан етиб келишга қачон улгура қолишди экан?

мени очлик, яланғочликдан сақлади, деган шукроналикдан кўра, шаънимга ярашмас хам ўзимга шу касбни раво кўрдим, деган аламли маломат силқиб турарди.

Ҳай, йигит-а! Шарқона кадрятлардан озгина воқиф бўлганимда, шу фикрингни айтмаган бўлармидинг! Гапларингни ўқиб бундан ўн беш-йигирма йиллар илгари пойтахтнинг турли даҳаларида кўча суғуриб юрадиган оқоқол ёдимга тушди. Этиксимон калишини судраб, гоҳ Оқилон, Кўкча, Ракат, гоҳ Самарқанд дарвоза томонларда пайдо бўлиб қоларди. Фаррош десанг, у муким бир жойни суғурмасди хам.

“ЭЛ ФАРРОШЛИКНИ РАВО КЎРСА...”

Сахар тўртда йўлга чиқиш учун камида бир соат олдин уйғониш керак.

– Демак, Тошкент шаҳрини сиз уйғотар экансиз, – дейман ҳазиллашчи.

Умида кулиб қўяди. Дарҳақиқат, Тошкентни фаррошлар уйғотади, десак бўлавераркан. Фаррош Рустамжон Мамадалиев эллик ёшини қаршилабди.

Қайси йили маҳалламизда бир киши вафот этди. Хилхонаси Яккасарой қабристониди экан. Майитни олиб бораётиб, халғи фаррош Усмон Носир кўчаси йўлакларини суғуриб юраганига кўзимиз тушди. Бироз ўтгач, ўша чол шошиб пешин намозини адо этиш учун масжидга кириб кетяпти. Ёнимдаги нотаниш оқоқолдан унинг қимлигини сўрадим.

– Э, у кишими, асли, ҳеч нарсага муҳтожлиги йўқ. Лоқин, шу амалии одат қилган. Беш вақт намозни қайси масжидга яқин бўлса, ўша ерда ўқийди. Оллоҳ розилигини одамларнинг йўлини тозалаб топаманмикан, деган сўфийлардан. Сарасоп солинган-а, жанозада хам қатнашади...

Намоз тугагач, “фаррош амаки” жанозада хам, майитни қўйишда хам иштирок этди-да, кейин масжид кираверишидаги ариқчага ташлаб қўйган суғурғисини олиб, қалишини судраганича, яна қатта кўча томон жўнаб кетди...

– Ит қирмасин деб қаерга ёзган, кўрсат?! – деб талаб қилишади. Бундай мушкул ахволдан кутқарадиган зорманда белгилар эса йўқ. Ноилж тилингни тишлайсан!

Худо хайрингизни берсин, майли, итингизни сайр қилдириш. Фақат хожатини бизнинг “дом”имиз олдида амалга оширманг-да! Биламиз, итни кўп нарсага ўргатгансиз. Сайрини кўчада, хожатни уйда ёки махсус жойда амалга оширишини хам ўргатгансиз, нур устига нур бўлади!

– Волидамиз хам бизни кўча суғуриб қатта қилувдилар. Худога шуқур, йиртиқ-ямқ киймадик. Мен хам болаларимни шу касб билан боқаяпман!

– Болалар фаррошлигингиздан ор қилишмайди? – сўраймиз ундан.

Рустамжон фарзандлари томонидан бундай малолланишни ҳеч қачон сезмаганини айтиди.

Хайрият, ота-онанинг тоганини лоппа-лоппа еб, уларнинг касбидан ор қиладиган болалар қанча?!...

– Ит қирмасин деб қаерга ёзган, кўрсат?! – деб талаб қилишади. Бундай мушкул ахволдан кутқарадиган зорманда белгилар эса йўқ. Ноилж тилингни тишлайсан!

Худо хайрингизни берсин, майли, итингизни сайр қилдириш. Фақат хожатини бизнинг “дом”имиз олдида амалга оширманг-да! Биламиз, итни кўп нарсага ўргатгансиз. Сайрини кўчада, хожатни уйда ёки махсус жойда амалга оширишини хам ўргатгансиз, нур устига нур бўлади!

Уйимиз олди, деб маҳаллийчилик қилишимиз боиси, тунов қуни қатта булдоғи билан сайр қиладиган бир йигитдан қайси домда яшашини сўрадик. Айтмади. Кўрс, анчайин беодоблигидан у бу атрофнинг боласи эмас!

ОЛЛОХНИ РОЗИ ҚИЛУВЧИ АМАЛ

Яқинда интернетда Россияга бориб пулдор бўлиб кетган бир йигитнинг фикрларини ўқиб қолдим. У, ҳаётда не қўйларга тушмадим, хатто фаррошлик қилдим, деб ёзғирибди. Сўзларида мусофирчиликда фаррошлик

Айтишга арзимас-ку, лекин... Бизнинг Афросиёб, Шароф Рашидов номидаги маҳаллалар кўчалари тозалиги Миробод тумани ободонлаштириш бўлими ишчи-хизматчилари зиммасида. У томони Жанубий Корея, Туркменистон элчионаси, яна қанча идоралар. Бу томони беларус адиби Якуб Колосга ёдгорлик ўрнатилган сўлим

хиёбон. Кечасию кундузи одам аримайди. Зиёратга келган хориж сайёҳларини хам кўп учратасиз бу ерда.

Уйинг қандайлигини меҳмон келганида кўр, деган гап бор. Бу борада кўнглимизни хира қиладиган ҳолатлар хам йўқ эмас. Энг оғрикисиси, кўп қаватли уйда ит боқиб, бўшантириш учун яшнаб турган кўкаламзорларга олиб чиқувчилар. Сен майсаларга озор етказмай деб авайлайсан. Аммо қимлардир кўппағи билан бемалол тепалаб, бамайлихотир “тўсиб” туришганини кўриш... алам қиларкан. Бу ишингиз яхши эмас, десанг сени хайвонот дунёси душманига чиқаришади. Жоҳил, бағритош одамга боққандай ўқрайишади. Ўдағайлаб қоладиганлари хам бор. Ортиқча гапирсанг, итига ғажитиб қўйишидан чўчиб, жимгина кетишга мажбур бўласан. Лайча тугул, бўрибосарларига бурундик тутиш хам аллақачон таомилдан чиқиб бўлди.

ийишади. Кеча биттасига танбех берган эдик, устингдан порталга ёзаман, деб кетди. Айримлари шундоққина бутқамиз олдида шу ишни амалга оширишади. Начора, тозалаб қўя қоламиз!..

– Элчионадагиларнинг бу борада фикри қанча? – дея қизқамиз?

– Уларнинг бу ҳолга муносабатини, билмаймиз. Ҳар ҳолда, мақбул кўришмасе керагу, индашмайди...

Кўпчиликка малол келадиган яна бир ҳолат: сайилгоҳларнинг ажойиб курсиларида ўтириб, писта пўчоғини шундоққина биқинидаги махсус идишга эмас, оёғининг остига пуфлайдиганларни кўриб, улар ўз уйларида хам шундай қилишармикан, дея ажабланисан. Йўқ, улар уйда бу номаъқулчиликни эп билишмайди!...

Хиёбоннинг бир ёни Темирийўл бошқармаси. Катта идора бўлгани учун қунора

Tadbir

РАЁСАТ МАЖЛИСИ

Халқаро Амир Темур хайрия Жамоат фонди Раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Фондда ярим йил ичида қилинган ишлар ҳамда Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисида Фонд раиси Муҳаммад Али маъруза қилди.

Ўтган давр мобайнида Фонд фаоллари томонидан Соҳибқирон ҳаёти ва даврига бағишланган учрашувлар, анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Чунончи, Шаҳрисабзда “Амир Темур мероси ва Учинчи Ренессанс” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Андижон, Тошкент, Қарши, Самарқанд, Фарғона, Урганч шаҳарларида хам шундай тадбирлар ўтказилди.

Қирғизистон Республикасида Фонднинг бўлими очилиши муносабати билан Ўш шаҳрида “Амир Темур ва Темирийларнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни” мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон тарихчи олимлари ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Яна икки йилдан кейин Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги нишонланади. Бу қутлуғ санага тайёргарлик борасида маърузачи бир неча тақлифларни ўртага ташлади. Раёсат мажлисида Мирзо Улуғбек таваллудининг 630 йиллигига тайёргарлик борасида хам сўз борди.

Музокараларда Раёсат аъзолари академиклар А.Саидов, Д.Юсупова, Темирийлар тарихи давлат музейи директори Х.Файзиев, Фонднинг Самарқанд, Андижон, Тошкент, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари бўлимлари бошлиқлари қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Айтилган тақлифлар ўрганилиб, юқори идораларга тавсия этишга қарор қилинди.

Шунингдек, йиғилишда танқили шоир ва публицист Жамолхон Боқиев Фонднинг Наманган вилояти бўлими бошлиғи этиб тайинланди.

Мажлисида бир гуруҳ фаолларга Амир Темур фондининг кўкрак нишонлари топширилди.

М.ҚЎЧҚОРОВ

Мансур ЖУМАЕВ

НАЙ БҒЛИШДАН ОДИН ҚАМИШ БҒЛАНМАН...



У мен куйлагандан анча зиёда,
У сен ўйлагандан анча сеvimли.

Менинг бир Юртим бор ёруғ дунёда!

ЎСАЁТТАН ҚОЯ

*Қамчиқ довоғи йўлида
ўсаётган қоя бор.*

Ўсаётган қоя, кимнинг фарёди,
Ўсаётган қоя, кимнинг додосан?
Нега жим ўсапсан, буюк тоғларнинг
Гар сен ҳам ўғлисан — зурриёдсан?!

Кўзёшми чайкалган этакларингда,
Оғоч йўқ бошингда тутгучи соя.
Тоғ бўлиш ҳам борми эртақларингда,
Ўсаётган қоя?!

Дардмисан, ишкмисан, газабмисан ё,
Ё қадим нафратнинг янги нишони?!
Шундай улкан тоғлар пойида илло,
Қандай ўсапсан, кимга нишониб?!

Қоя, сўроқларга кўйлик нукта,
Аён қил аслингни менга рўйи рост.
Агар нафрат бўлсанг, ўсишдан тўхта!
Агар севги бўлсанг, ўсгин, илтимос!

НАЙ

Кулохи популки дарвиш бўлганман,
Озод шамолларга таниш бўлганман.
Қандай унутайин, эй она дарё,
Най бўлишдан олдин қамиш бўлганман.

ҚЕЧНИККАН ИЗҲОП

Луқмон Бўрихон хотирасига

Миришқор чўлларда яшадим ҳалак,
Нишонли даштларда пахта ҳам тердим.
Қора оқшомларда пайкал оралаб
Изгир бўриларнинг изини кўрдим.

Саҳройи кузларнинг аччиқ тунди
Қухлаб иситаркан қўл-кафтларимни,
Чиябўри ушлаб юрган чўллардан
Ёкиб ўтиб келдим шетьр дафтаримни.

Бўридан тўраган Алфамиз дуркун
Тўртга бола туғди, суйди аларни;
Лекин ўзи гажиб еб кўйди бир кун
Итдан бўлган кучукчаларни.

Одам бўрилари кўрдим — берахм,
Бўри одамларни кўрдим алоҳа.
Итни вангиллатиб қочирган ваҳм —
Бўри тулумин ҳам кўрганман, оға.

Кўрдим бу ҳаётда турфа киёфат,
Кўрдим бу ҳаётда хар сон бўрини.
Сизни учраптунча ва лекин фақат
Кўрмагандим сиздек Луқмон Бўрини!

Имтиҳон муддати тугаб бўлган тоб,
Топилган сингари энг тўғри жавоб;
Ота уй дарчасин ёпганинг чоғи,
Сезгандек қанчалар кендир кучоғи;

Мусофир тошларга кетган туртини,
Бус-бутун туйгандек туккан юртини;
Чалғисин елкалаб келганда ажал,
Банданинг ёдига тушгандек амал;

Видо кўнгириги чалинганда, чол
Яшадан муродин англаган мисол;
Кузга кирганида биз кезинган боғ,
Ногоҳ сезиб қолдим хайрлашар чоғ:

Зулайҳо ичмаган савган* эканман,
Мен сени... мен Сени севган эканман!

*Савган(д) — қасам, онт.

БИР САВОЛ

Бир кун тош ҳам тошга урилмайди,
Ҳеч йўқ урилмоққа уринмайди?!
Жоним, нигоҳимни ўғирлаган ким,
Қараб боқ кўзуга, кўринмайди?!

Ҳамон кўнглингда ҳол сўраганинг йўқми,
Ҳижрон ҳосилини ўрганинг йўқми?
Жоним, мен ўзимни йўқотиб қўйдим,
Кўнглинг томонларда кўраганинг йўқми?

Юрагимнинг хар тўрт бўлмасига
биттагина малакдан бўлак
ҳеч ким хануз яқин
йўлагани йўқ...

Юрагимнинг хар тўрт бўлмасида
ижарада турар у малак,
аммо ҳамон ижара ҳақин
тўлагани йўқ.

ЭЪЛОН

Кўзим — кипригимга чандиб осилган
эълон ойнасидир севгим ёзилган.
Атомерос қасбим — кўнгли бутловчи,
ўттиз йил малака муҳри босилган.

Тилсим куйларимнинг шарҳи ўзингиз,
Тилсим ўйларимнинг тарҳи ўзингиз.
Агар кўнглингизга дарз кетган бўлса,
Келинг!

Таъмирлайман.
Нархи — ўзингиз!

Хорундай зотлардан ҳиммат чиқмади,
Бебаҳо билганим қиммат чиқмади.
Ҳазрати севгидан мужда келтирдим,
Ҳабибим дейдиган уммат чиқмади.

Борларга тикилдим, йўқни кўрдим мен,
Ютуларга боқдим, тўқни кўрдим мен.
Қайданам кўксимга санчилди бу ишқ,
Қамонни кўрмадим, ўқни кўрдим мен.

Мухлиса РАҲМАТИЛЛАЕВА

КҲНИИ БОҒЛАРИДА



Йўллар туташмайди кундуз қошиндек,
Энди куёш қулмас, киприқларим нам.
Менинг хотирамда яшайверасан,
Сенинг юрагингда борманми мен ҳам?!

Кипригинг тўкилди,
кимни соғиндинг?!
Бундай савол берманг, етар, бўлди, бас.
Битта киприк экан, унинг пойига,
Юрагим тўкилиб кетса ҳам келмас.

Келмайди...
Сиз уни билмайсиз,
Ўзини ўзи ҳам билмайди мендек.
Кетса, келмас йўлдан орни ўлдириб,
Мана биз келдик.

Келдик...
Сўнгамиз синди қиличдек,
Қаддимиз ҳижрондан буқилиб кетди.
Томирда шарқираб оққан қонимга,
Кўзёшми оғудек тўкилиб кетди.

Кетди...
Юрган йўлимизда тошлар зирқираб,
Узилиб кетди-я жонимнинг тори.
Энди истасак ҳам кўришолмаймиз
Ҳа, демак, шу экан қисматнинг бори.

Бунча оз севасиз, ёмон севасиз.
Марина Цветаева

Кўнгли боғларига хазон тўкилди,
Баҳорлар бахш этиб, ҳамон севасиз.
Ашқимни жойлабон қароғингизга,
Бунча оз севасиз, ёмон севасиз!

Бўлди етар энди, кетинг дейману,
Изимдан термулиб, пинҳон севасиз.
Мухаббатни сочиб бу олам аро,
Сарсари севасиз, сарсон севасиз.

О, мен шошқалокман, гапга кирмас қиз,
Дунёни назарга илмай севасиз.
Ҳаттоки ортимдан соямини хайдаб,
Ёнимдан бир нафас жилмай севасиз.

Xotira

Яқинда таниқли шоира Энахон Сиддиқова таваллудининг 69 йиллиги муносабати билан Фаргона вилоят ҳокимлиги ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъуллари адабиёт ихлосмандларини водийга чорлади.

ЯХШИЛИККА БАХШИДА УМР

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими биноси, Ижод мактаби Ижод боғи Энахон Сиддиқовани, у амалга оширган ишларни ёдга солиди. Дарҳақиқат, адабларнинг янги ижод намуналарини чоп эттириш, ҳолидан хабар олиш, таваллуд саналарини нишонлаш, ёш ижодкорларни юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш каби ишларни амалга ошириш ижодкордан қатъи қарор қилиб келади. Энахон Сиддиқова вилоятнинг адабиёт ва маънавият майдонидagi улкан хизматини дадиллик билан ўз зиммасига олган, бор куч-қуввати, имконини ишга солиб, тинимсиз меҳнат қилган, захматкаш шоира эди. Уни нафақат Фаргона халқи, балки бутун Республикамиздаги адабиёт ихлосмандлари яхши биларди. Бу гўшада анъанага айланган “Адабиёт кунлари” доирасида қанчадан-қанча адаблар хотирланиб, китоблари тақдироти ўтказилган. Опанинг ташаббуси билан юзлаб ёшлар сўз майдонидида ўз йўлини топан, устозлар билан ижодий ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлганди.

Энахон Сиддиқовани хотирлаш мақсадида ижод ахли, китобхонлар ва жамаотчилик вакиллари жам бўлишди. Дастлаб вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида Фаргона шаҳридаги Ислоом Каримов номидаги вилоят театр-концерт саройида “Умр яхшиликка сафар бўлсайди” деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Фаргона вилоят ахборот-кутубхона маркази томонидан намоён қил-

линган кўргазма шоира мухлис-ларини ўзига чорлади. Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокимининг ўринбосари Файзулло Қосимов, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ботир Эргашев, “Саодат” журнали бош муҳаррири Мунаввара Усмонова ва бошқалар Энахон Сиддиқованинг адабий мероси ва ижодий фаолияти ҳақида сўзладилар. Шоиранинг ибратли умри, эзгу ишлари ёдга олинди, асарлари асосида сахна кўринишлари намоён қилинди.

Фаргона давлат университетида “Энахон Сиддиқова ижодининг маънавий-маърифий ахамияти” мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди. Семинарда филология фанлари доктори Йўлдош Солижонов, Фаргона давлат университети проректори Зокиржон Раҳимов, адабиётшунос олимлар Сиддик Мўмин, Хулқар Ҳамроева, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, шоирлар Яхё Тоға, Қутлибека Раҳимбоева шоиранинг адабий мероси, ибратли умр йўли ва фаолияти ҳақидаги илк хотираларни ёдга олишди.

Маъмура ЗОҲИДОВА,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Байрам АЛИ



Ўспирин қовоқхонага жавдирабгина кириб келганда эркакнинг кайфи аллақачон тарок эди.
— Ўзбекмисан? — сўради эркак ўспиринни ёнига имлаб чақириб.
Гарчи бу юртда ўзбекларни онда-сонда учратса-да, айти шу дам, айти шу гал меҳри ийиб, юраги бошқача уриб кетганди унинг. Кейин эса, одатий ҳол — ҳамма дилкаш улфатлар каби ёш ҳамюртини “меҳмон бўлишга” ундади. Албатта, ўспирин ҳам спиртли ичимликлар сотиладиган дўконга кўк чой ичиш учун қирмаган эди. Кўп ўтмай у ҳам сархушиқда эркакка етиб олди, иккаласи галма-гал бир-бирини чўлпиллатиб ўпар, гўё энг кадрон инсонлардай кучоқлашиб, йиғлаб-сиктаб бир-бирини дардини дастурхон қиларди.
— Не плач, сынок, йиғлама... — эркак кўп йиллардан буён бу юртда юрганидан она тилидаги керакли сўзларни топишга қийналибқор ўспиринни юпатарди. Унинг юзидан ўпмоқчи бўлар эди-ю, чўччайган лаблари мўлжалда адашиб, йигитчанинг сочлари, қулоқларига босиларди.
— Нега жиламайин, ака, гирт етимман мен, кип-қизил етимман! Э-э-э, бу ҳаётнинг энасини... — соф воҳа лаҳжасида бўралаб сўкиниб, столини тимдаларди ўспирин. — Кимнингдир отаси йўқ, кимнингдир энаси! Менда шуларнинг иккаласи ҳам йўқ, эшитаяспизми, етимман,

Hikoya

гирт...
Яна стаканни тўлатиб сипқоришгандан сўнг, эркак сўради:
— Что ... ўлганми улар?
— Энам ўтган йили... — ўспирин тагин пиқ-пиқ йиғлаб столни тирнашга тушди. — Отам эса... мен учун ўлгандан ҳам баттар! Минг марта, миллион марта баттар! Ҳали чақалоқлигимдаёқ бизни ташлаб, дом-дараксиз кетган. Ўйнаши билан, ха ўйнаши билан қочиб кетган, ярамак!
— Ўх-х, қазёл! Ўх-х, тўнғиз! Бунақаларни башарасига... — жаҳлини босолмасдан аввал столга, сўнгра манглайига усма-уст мушт туширди эркак.
— Энам уни шунча пайт кутди, охири қуйиб қул бўлди, бечора...
Гапини давом эттиришга монелик бўлмагач, ўспирин одатига кўра столи тимдалаб сўзида давом

ҲАМДАРДЛАР

этди:
— Сиз мени бўйимга қараб гўдак деманг, ака, аслида мен кўрмаган хўрликлар қолмаган. Тоғамнинг уйда улғайдим, энам дод солишига қарамай, уйга қамаб урарди-я, номерд! Таёқлаб урарди, калтаклаб!...
— Таёқлаб?! — азбаройи тутаканидан эркакнинг кўзлари олайиб кетди. — Что-о он... Он псих что ли? Нега уради?
— Мактаб давримданок бас деганча “оки”дан “урардим”, — томоғига чертиб “шинаванда”га хос ишора қилиб қўйди ўспирин. — Лекин нима, ичсам ўзимнинг пулимга ичибман-да! Чекам ўзимнинг пулимга чекам... Ўша вақтлардаям одамларнинг томорқасини сўғориб бериб пул ишлардим. Молбозорларга бориб эчки, қўй сотиб олган кишиларнинг қўйи, эчкисини бозор чекчисидан яширинча ташқарига чиқариб берадим. Чеқка тўланадиган микдоридан камроқ, уч-тўрт сўм беришарди кейин. У эса... Тоғам эса отам эмасу, отамга ўхшаб

насиҳат қилишга уринарди, мол! Неча марталаб “Сингидисан!”, “Қачон йўқоласан?” деб энамни қону зардоб қилган, билсангиз. Аслида энамни ўшанинг таъналари еди! Мана энди қуядиган ҳеч кимим йўқ, санқийвериб шу ерларга келиб қолдим-да, ака...
— Столга, бошига муштлайвериб қўли оғриб кетганиданми ёки боланинг ҳикояси ўзининг хиёнат барбод қилган ҳаётини эсига тушириб юборганиданми, эркак маънос ўйлар гирдобига чўкиб кетди.
— Турмуш қурмадимми кейин онанг? — дея сўради.
Ўспирин елкаси оша эркакка ёвқараш қилиб қўйди.
— Йўқ, у ярамасни, бузук отамни кутарди. Уйдан лом-мим демасдан кетгани учун қачондир қайтади, деб ишонарди бечора.
Эркак яна ўспириннинг ку-

логининг четроғидан чўлпиллатиб ўлди.
— Ой, молодец! Твоя мама ангел! — деди ўпкаси тўлиб. — Мен аёл зотидан нафратланардим. Кўргани кўзим йўқ ҳаммасини! Ишонсанг, аслида олий маълумотли одамман, бир енгилтакни деб бузилиб кетган бутун ҳаётим... Аммо... сенинг онанг фаршта.
— Кимни айтаяспиз енгилтак, деб? — сўради ўспирин шишада қолган ароқни охириги томчисигача стаканга қуйишга уринаркан.
Бу савол билан у эркакнинг ўз ҳаёти ҳақида гапириб беришига беихтиёр туртки берди.
Сархуш бўлса-да, гамдан юзлари қорайиб, юзига изтироб қўланка ташлаганидан эркакнинг ҳикояси ўспиринникидан-да аламли экани сезилиб турарди. Бу пайтда келиб унинг кайфи ҳам анча тарқаб қолганди.
— Хотинимни... — деди у, гўё ўзи билан ўзи гаплашайтган алфозда. — Турмуш қурганимиздан кейин тезда фарзандли бўлавермадик. Уни тек-

шириб кўрган дўхтирлар фарзандсизликка сабаб йўқлигини айтишди. Кейин хотинимдан яширинча... ўзим кўриндим. Шифокор... Шифокор эса мендан... анави... нима... ха, сунъий уруғлик олишни тавсия қилди. Айтдики, бусиз... ҳеч қачон...
Эркак узаниб, мутлақ тингламай қўйган ўспириннинг елкасидан кучди.
— Энди тасаввур қилиясанми, у менга фарзанд қутаётганини айтганда қай ахволга тушганини? — деди лаблари қалт-қалт титраб, йигитнинг бошига бошини қўйиб. — Ҳамма дардим ичимда эди. Нима ҳам дей?! Ахир, қандай тилим борарди?!... Ичимда ёнаётган оловни ҳеч нарса боса олмасди, ҳеч нарса! Аламимдан ҳар кун ичиб келиб уни дўппослардим. Уйдан йўқол, бошқасига ўйланаман, деб урардим нукул. Нукул... агайлаб қорнига тепардим... Аммо Худо бунақа ҳаром-ҳарисни ҳам омон сақларкан, ўша бола туғилди. Ўғил!.. Мен яна бироз вақт чидадим. Бир кун эса тақдирим шу экан, деб хотинимга ҳам, унинг ҳароми боласига ҳам тупурдим, ўз уйимдан бош олиб чиқиб кетдим... Кейин бу ерларга келиб қолдим. Хуллас, қўриб турганимдай на уйи, на жойи, на оиласи бор бадбахтман...
Энди ҳамдардлар сўзсиз, бир-бирининг елкасига суяниб жимгина ўтиришар, ўспирин хар замонда эснаб қўйса, кўзлари жикка ёш эркак ахён-ахёнда манглайига муштларди. Уларга ароқ улашиб турган қовоқхона эгаси эса сал узокда, уларга ажабланиб қараб қўярди. Йўқ, уни ҳамдардларнинг ҳаётий ҳикоялари ажаблантирмасди. Уни ажаблантираётган нарса шу эдики, бу икки ҳамдард бир-бирига мисоли икки томчи сувдек ўхшаб кетарди. Ҳа, уларнинг дўнг пешоналари, туртиб чиққан ёноклари, қалин қора қошлари-ю, япалоқ бурни айнан ўхшаш эди. — Ота-болага ўхшайди, тавба! — дея ажабланиб миқозлари камлигидан зерикаётган қовоқхона эгаси...

Adabiy jarayon

Таникли адиб Муҳаммад Алининг “Мангу куёш” романи (“Шарқ юлдузи” журналі, 2023 йил 4-5-6-сонлар) Хирот шаҳрининг бундан беш-олти аср олдинги кўринишлари тасвири билан бошланади. Романда тилга олинган “Чакар” маҳалласи, “Инжил” ариғи, “Мусалло” масжиди, “Боғи жаҳонаро” арк майдони ва бошқа манзиллар тарихийдир. Шу боисдан ҳам асар илк саҳифаларданок ўқувчини узок тарихий масканларга олиб киради. Романда қаламга олинган Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Султон Хусайн Мирзо, Хондамир, Бехзод ва бошқа буюк шахсларнинг бадиий образлари талкинидан ҳам миллатимиз тарихи уфуриб турибди. Асар туркий тилининг ўрта асрлар лаҳжасида ёзилганини ўқувчи ҳис этиб туради. Мана, бир мисол: “Бу ишқ дostonини эшитиб, бағринга ўт туташмай иложи йўқ! Ёниб кетишинга оз колодур. Бандаси чидаб юрадур-да... Мен Ҳазратни ўзгача кашф этмишмен...”

Муҳаммад Алининг тарихий романи тарихийлик талабларига риоя қилинган. Зеро, адиб миллатимиз ва туркий халқлар тарихининг билимдони. Шу сабабдан ҳам улуг ўзвучимиз тарихий мавзуга қайта-қайта қўл уради.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтишни жоиз деб билим. Тарихни тушунтиришда бадиҳанинг ўрни бениҳоядир.

Машҳур рус тарихчиси Лев Гумилёв Каспий, Орол, Бойкўл бассейни туркийларнинг қадим ватани эканини ибодатлаган. Тасаввур қилинг, аждодларимиз куч-қудратга тўлган IV – VI асрларда Дунайнинг Пананно ялангликларидан то Буюк Хитой деворларигача, Ўрол тоғларидан Ҳимолайгача бўлган ҳудудларда от сурган, ҳукмдорлик қилган, қудратли давлатлар тузган. Муҳаммад Али ана шу тарих билан халқимизни, ёшларимизни таништиришга бел боғлаган. Бу жуда ҳам улкан, машаққатли, ўз навбатида, шарафли вазифа.

Бадиий асарда тасвирланган тарихнинг қалбларга таъсири ўта кучли бўлади, у миллат хотирасига муҳрланади. Эсланг, ўтган асрнинг 60-йиллари сўнггида эълон қилинган атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеърисида:

Денгиз ортин ёритди илк бор,


Берунийнинг ақл машъали.

Колумбда бор аламин маним,

Ўзбекистон, Ватаним маним, –

сатрлари миллат қалбидан ўрин олди, барчанинг тилига тушди, халқимиз алам билан ўз тарихини эслади. Мана, бадиий тафаккурнинг қудрати! Атоқли ўзвучимиз Муҳаммад Али тарихимизни тушунтиришда худди шу йўлдан, яъни бадиий тафаккур йўлидан бормоқда.

ҚУЁШ – ҲАҚИҚАТ ДЕГАНИ



Муҳаммад Али табиатни, ҳолатни, қаҳрамонларни аниқ ва лўнда қилиб тасвирлашнинг устаси. Ўқишингиз билан, тасаввурингизда аниқ манзаралар, лавҳалар намоён бўлади. “Эркак кишининг кўзи ҳам кўр, фаросати ҳам камрок бўларкан-да, йўқ эса, Ҳокони Мансур ҳарамининг шунча махлико парирўйлари ичидан келиб-келиб шу олқиндини танлайдиларми?...” деб тасвирлайди Хадича бегимни ўзвучи. Ўқувчи дарҳол энди кўлга олинган хушбўй, бежирим ироқи совуни ва вақтлар ўтиб ишлатиларилиб, эзиланавериб ейлиб кетган, охорини йўқотган, кўримсиз бир

матохни тасаввур қилади. Бу тасвир, сўзсиз, ўзвучининг маҳоратидан далолатдир.

Роман воқеалари қаҳрамонларнинг фавқулодда жонли ва ҳаётини суҳбатлари, баҳс-мунозаралари, хотиралар баёни орқали ёритилиб борилади. Улар шунчалар ишонарли чиканки, беихтиёр ўзвучининг ўзи ҳам ўша суҳбат-мунозараларда кўринмас бўлиб иштирок этмаганмикин, деб ўйлаб қоласиз. Интиқлик билан қачон Алишер Навоийнинг ёшлиги, севгилиси жумбоғи тасвирларини ўқийман, деб қутасиз, бу сизга тинчлик бермайди, хаёлингизни банд қилади. Ниҳоят, романинг “Алишернинг туғилиши” бобига етиб келасиз ва ташналик билан ўқини давом эттирасиз. Ўзвучи, худди кўриб тургандай, Алишер-

Суҳайлий, Хондамир ва бошқа тарихий шахслар образлари ишончли манбаларга таяниб тасвирланган. Шу сабабдан ҳам асар ишонарли чиккан.

Албатта, китобхонни бир жумбоқ, яъни Алишер Навоийнинг севган қизи бўлганим, бўлган бўлса у ким ва бу ишқ мўъжизаси қачон юз берган каби саволлар қизиктиради. Шу саволларга жавобни романдан қидиради... ва ниҳоят топади ҳам. Айни пайтда муаллиф ҳам ушбу жумбоқ ечимини ўқувчилар билан бирга излагандай таассурот уйғонади. Иттифоқо, муаллиф бир муаммага дуч келади... Бу ҳам бўлса, Алишер Навоийнинг севгилиси бўлгани тўғрисида аниқ тарихий манбаанинг йўқлиги. Лекин имо-ишоралар бор.

Ўркин эди. Улар севгисининг жаранги ҳам ҳаққа бўлган ишқ каби сассиз эди. Ҳақ – мутлоқ, инсонлар – ўткнчи. Инчунин, Бадъеулжамол ишқ ўтига дош беролмай навниҳоллигида вафот этади...

Алишер Навоий ўзининг инсоний ишқидан, жуфтидан абадул-абад айрилади, дўсти Султон Хусайн Мирзонинг: “Онч ичмасунлар!” деб ёлворганига қарамай онч ичади, умрбод Бадъеулжамол севгисига содик қолади, ҳаётдан танҳо ўтади...

Муҳаммад Али сўзнинг кучи, тафаккур қудрати билан бу тарихга ҳаммамизни ишонтира олди. Ҳақиқатан, элқубобомиз Алишер Навоий ҳар бир ур қишга хос бўлган севги ҳиссиётларига дучор бўлган, фақат сизу биздан фаркли ўларок, ўша илохий туйғуга умрбод содик қолган. Ҳаётдаги танҳолигининг сабаби илохий севгининг боқийлигидадир.

Бир қараганда, роман Хуросон, Темуррийлар давлатчилиги, сарой ҳаёти, давр сиёсати тарихи тўғрисидагидек туюлади. Аслида, мақсад инсон ва табиат муносабатлари, инсон табиати фалсафаларини идрок қилиш ва, албатта, Алишер Навоийнинг теран образини яратиш, буюк сиймонинг инсоний туйғуларига хос севгисини олқишлаш, бинобарин, бундай ноёб севгининг тарихи ҳам мутлақо ўзгача бўлишини тараннум этишдан иборат эди. Бу вазифани муаллиф тўлиқ адо эта олган.

Атоқли ўзвучимиз Муҳаммад Али навбатдаги тарихий романини “Мангу куёш” деб номлади. Бу ном бежиз эмас, у мантиқан келиб чиккан. Бу тарихимиз куёши, Алишер Навоий куёши, куёшнинг мангулиги, даҳонинг илохий севгиси, севгилиси Бадъеулжамол хақидаги порлоқ қиссадир. Мен, китобхонларимизни мана шу мўъжизалар билан ошно бўлишга қорлаб қолам.

Темур ШИРИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
фан арбоби

Mulohaza

Ижодда айрим иборалар баъзан кашфиёт хусусиятига эга бўлади. “Абадий замондош” – шундай иборалардан. “Шарқ юлдузи” журналининг 2023 йил, 7-сонида Менгюр Олломураднинг “Нур нурга интилади” сарлавҳали мақоласини ўқиб қолдим.

Мақола Олим Тошбоевнинг “Абадий замондош” номли китоби тўғрисида экан. Бу ибора менга таниш ва унинг вужудга келиш тарихини яхши биламан. О.Тошбоев ўз китобига шу номни қўйганига ажаблансам-да, ҳозирги адабий жаънда такрорлар кўплигини ино-

бошқа газеталар, радио ва телевидение кенг ёритарди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” хафтаномаси анжумандаги энг яхши маърузаларни танлаб, албатта, эълон қиларди. Бунинг учун “Адабиётшунослик” бўлими мудири Махмуд Саъдий шахсан ўзи бориб, қўлида блокно-

хам. Баъзи ижодкорлар сарлавҳа топишга жуда уста бўлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Махмуд Саъдий сарлавҳа масаласида жуда талабчан эди. Унинг кўлига етиб борган мақолаларни муаллиф билан бирга ўқиб чиқар экан, кўпинча, биринчи айтадиган фикри – “сарлавҳа йўқ” деган гап бўларди. Нодир сарлавҳалар ижод маҳсули деб қаралади ва ижодкорлар уларни такрорламасликка ҳаракат қилади. Ҳарқалай, маданиятли ижодкорлар шундай ёзилмаган қондага риоя этадилар.

Тўғри, ҳозир китоб кўп ёзилмоқда ва чоп этилмоқда. Мазкур мақола муаллифи ёзганидай, китоб одамдан ҳам кўпайиб кетди. Ҳаммасига чиройли ва мазмундор ном керак. Китоб ва мақола муаллифлари Иzzат Султоннинг “Абадий замондош” сарлавҳали адабий суҳбатини кўрмаган бўлишлари қийин. Чунки улар ёши катта ижодкорлар. 80-йилларнинг шов-шувларга бой қизгин адабий жараёнлари уларнинг кўз олдига кечган. Агар шу “ёмби ном”ни улар кўрмаган бўлсалар, демак, адабий жараённи яхши кузатмаган бўлиб чиқадилар. Э, битта ном қайтарилса қайтарилибди-да, дегувчилар ҳам топилиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳозирги олатасир замонда ҳар нарса ни куттиш мумкин. Лекин бир ижодкорнинг топилмасини бошқа ижодкорга мансуб қилиб макташ яхши эмас. Бир ижодкорнинг қўллаган номи, усули ва ҳоказо ижодий кашфиётига бошқа ижодкорнинг ҳаваси келиши мумкин. Бунинг айби йўқ. Шунда: “Фалон адибнинг мана бу топилмаси менга маъқул бўлди, мен асаримни шу ном билан аташни ният қилдим”, дея ҳаволада келтирилса, бу – юкори маданиятдан бўларди. Навоийга нисбат берилган “Абадий замондош” ибораси Шукур Холмирзаевга ҳам мос келиши-кечмаслигини ўйлаб кўриш керак. Шукур Холмирзаев ҳам, шубҳасиз, буюк ўзвучи. Лекин уни Навоий билан баробар қўйиб бўлармикин?

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари
доктори, профессор

“ШАЛОЛА” ДАН ШЕЪРИЯТГА ЙЎЛ

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг ижодий қамолотига Самарқанд адабий муҳити руҳ ва илҳом берган. Таникли мунаққид Нуриддин Шуқуров толмас адабиётшунос, шеърят ва адабий жараённинг синчков кузатувчиси бўлиш билан бирга, истеъдодли ёшларни ҳам асраб-вайловчи, рағбатлантирувчи ва ҳомийлик кўрсатувчи жонқуяр олим эди.



Домла томонидан Самарқандда ташкил этилган “Шалола” шеърят клуби шу жиҳатдан чинакамига истеъдодлар мактаби бўлган. Мазкур шеърят тўғрагининг номланиши ҳам бевосита Нуриддин Шуқуровнинг севимли шоғирди Омон Матжоннинг ташаббуси билан боғлиқ.

Нуриддин Шуқуров Омон Матжон ҳақидаги фикрларини шундай давом эттиради: “Кўп ўтмай ўнга ижодий тўғрагининг сардор (староста)лигини топширдик. У тўғраққа “Шалола” деб ном қўйишни таклиф этди. Ижодий ишлар аввалгисидан ҳам жонлашиб, ривожланиб кетди.

Омоннинг 1965 йилда ёзган шеърларидан бири “Очик деразалар” деб аталади. Унда ёш қалбнинг ҳаваслари, орзулари қуйидагича ифодаланган эди:

Очик деразалар, очик деразалар...

Тун қўйнига нури сочик деразалар.

Сизга мен ўғринча боқиб ўтаман,

Очик деразалар, очик деразалар.

Аммо, нечоғ оғир менга, эҳ, оғир менга,

Ўзга деразага боқмоқ суқ билан.

Мен ўз деразамни орзу қиламан,

Ёғдуси, сояси, кулгуси билан.

Ёш шоирнинг “ўз деразасини орзу қилиши” унинг ҳаётдаги устувор ўрини, ўз оиласи ва уйини, ижоддаги ўз макъени орзу қилиши эди”. (Нуриддин Шуқуров. “Сўз сехри, шеър меҳри”. Самарқанд. “Зарафшон” нашриёти, 1992 йил. 173 – 176-бетлар.)

Омон Матжон ўзбек адабиётига катта умид билан очик, нур таралаётган деразадан кириб келди. 1970 йилда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида унинг биринчи тўплами “Очик деразалар” босилиб чиқди.

Самарқанд адабий муҳити, қадимий шаҳарнинг залворли тарихи билан ширин ўқиш даврида танишарди. Хива, Хоразм ва Самарқанд кўчалари, узок ва сирли тарих унинг кўз ўнгида уйғунлик қасб этар, шеърини сатрларига сержилло бўёқ ва мазмун берар эди. Ижодининг салмоқли қисми тарихий мавзуда экани фикримизга

далилдир. Омон Матжоннинг драматик воқеа ва образларга бой шеърляти, дostonлари юрт тарихини яхши билишидан далолат бўлса, ўқтам ва жонқуяр сўзи унинг қалб тугёнлари, ўтмиш ва бугуннинг сўроқларига жавобдир.

Омон Матжон СамДУ толиб эканлигидаёқ Алишер Навоийнинг “Ҳамса” асарига меҳри тушади, устозларидан Ботирхон Валихўжаев кўмағида адабиёт тарихини, Нуриддин Шуқуров, Сайдулла Мирзаев дарслари ва суҳбатларида замондош адиблар асарларини чуқур ўрганади. Айниқса, Нуриддин Шуқуров билан шоирнинг садоқатли устоз-шоғирдлиги узилмади, самимий мулоқотлари олим вафот этгунга қадар давом этди. Омон Матжон ижодий ютуқларининг илк қувончлари, ёшлиги ҳақида сўз юритиб, Самарқанди азимнинг қизиб адабий муҳитидан баҳраманд бўлганини умрининг охиригача эътироф этиб келди. Шоирнинг маслақдош устози Нуриддин Шуқуров 90-йилларнинг бошида Омон Матжон шеърлятининг гоъвий-бадиий хусусиятлари ҳақида баъзи илмий хулосаларни берган эди: “Омон Матжоннинг фалсафийлик ва тарихийлик билан йўғрилган бадиий фикрлаш тарзи унинг шеърлярига ўз муҳрини босиши билан бирга, шеър учун танлайдиган тарихий фактлари умумбашарилиги, кенг масштаблилиги билан алоҳида салмоқ қасб этади.

Омон ижодиди ижтимоий-публицистик, фалсафий шеърлар салмоқли ўрин тутди. Уларда мамлакатимиз ва дунё миқёсидаги ижтимоий-тарихий воқеа, ҳодисаларни илғор дунёқараш ва ўткир граждонлик позициясидан туриб бадиий таҳлил қилиш ва кучли хулосалар чиқариш, шу асосда катта поэтик мазмун ҳосил қилиш ва унга мос шакллар топиш асосий фазилат сифатида кўзга ташланади”.

Омон Матжон ижодининг сўнгига қадар шундай фуқаролик позициясида турди. Ватан ишқи, ҳаёт гултожи бўлган инсон тақдирини, тинчлик ва ҳурлик туйғуларини баралла қўйлади.

Парвоз этдим мен қушларга қўшилиб эркин,
Оқ булутлар пешонами ўпдилар силаб.
Замин сехрини шунда қалбга жо этган эдим,
Оқ хирмондан ҳар ёқамга толалар улаб.

Ўзбекистон, зўр табарруқ маъволар юрти,
Берунийлар, Хоразмийлар, Кубролар юрти,
Етти иқлим мафтун бўлган наволар юрти,
Ватан билра миллатга жон фидолар юрти!

Омон Матжон таржима билан ҳам жиддий машғул бўлди. Фридрих Шиллер, Шарль Бодлер, Евгений Евтушенко, Расул Ҳамзатов, Шандор Петефи, Юстинас Марцинкявичюс, Берди Кербобоев, Ибройим Юсупов сингари шоир ва адибларнинг асарларини ўғириб халқимизга тўхфа этди. Омон Матжон ҳаётдан ҳикмат ахтариб, шеърдан қувват олиб яшади.

Умр нима ўзи?! Имон келтирай,
ҳикмат бу, баҳордек қисқа ва аён.
Севги ила масъуд онларни ўйла,
асл умр шулдир. Қолгани — ёлғон...

Омон Матжон шеърляти залвори ва оҳанги, сўз жилваси билан маржонга ўхшайди, ундан бирор мисрари олиб қўйиш амри маҳол. Мазмун ва тароватга пугур этади. Шу боисдан ҳам унинг шеърлярини катта ҳофизлар, ёш хонандалар иштиёқ ва мароқ билан қўшиб қилиб қўйлашади.

Тошўлат ТУГАЛОВ,
Самарқанд давлат университети
тадқиқотчиси

Yaxshilar yodii

Бу инсон Парвардигор ато этган истеъдоди, узлуксиз заҳматларию изланишлари туйғули ўз номини яхшиликнинг мўъжаз тимсолига айлантира олди. “Ҳожибой” дейиши билан ўзбекининг каттаю кичиги юзида табассум пайдо бўлади, беихтиёр бир-бирдан ўткир лўқмаларни, ҳангомаларни эслай бошлайди. Ҳожибой Тожибоев ўз номини кулги санъатининг тимсолига айлантира олишдек саодатга мушарраф бўлган ижодкордир.

КУЛГИ ДАРҒАСИ

Ўзбекистондагина эмас, бутун Марказий Осиёда Ҳ.Тожибоевнинг ичакузди хангомалари етиб бормаган хонадонни топиш мушкул, десак муболага бўлмас. Ҳолбуки, сирдан караганда унинг таржимаи холи бошқа санъаткорларнинг ҳаёт йўлидан айтарли фарқ қилмайди.

1955 йил 25 августда Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилоятида туғилган Ҳожибой 1978 йили Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтидаги тахсилни тугаллаб, Тожикистонга қайтди. Бир муддат Шукур Бурхонов номидаги Нов театрида, Хўжанд шаҳридаги Камол Хўжандий номидаги театрда фаолият кўрсатди. Сўнгра Андижон вилоят филармониясига ишга ўтиб, таникли хонандлар Шерали Жўраев ҳамда Ҳалимжон Жўраев етакчилигида концерт гастролларида иштирок эта бошлади. У “Тангалик болалар” (1989), “Қайта қуриш” (1991), “Шариф ва Мариф” (1993) каби фильмларда роллар ижро этган.

XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида ўзбек кизикчилик санъати осмонида Ҳожибой Тожибоевнинг юлдузи порлай бошлади. Бу даврда Муҳиддин Дарвешов, Рустам Ҳамроқулов каби кулги

санъати намояндлари анъаналарини давом эттиришга қодир Мамасиддик Шираев, Обид ва Собит Асомовлар каби сўз усталари майдонга чиққан эди. Республика миқёсида ўтказилган “Кизикчи” кўрик-танловларида Абдулла Акбаров, Абдурахмон Сиддиқов, Зокиржон Холматов, Худойберди Зиёдов сингари янги номлар кашф этилган ҳамда ўзбек эстрада кизикчилиги ранг-баранг йўналишларда раванк топаётганди.

Ҳожибой Тожибоев айнан шу даврда ўзига хос санъати, ижроси, услуби билан танилди. Унинг бири бирдан кизик хангомалари даярли ҳар бир хонадонга кириб борди, ўткир лўқмалари тиллардан тилларга, диллардан дилларга, давралардан давраларга кўчаверди. Ҳ.Тожибоев Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб “Халқлар дўстлиги” саройида ҳар йили беш кун давомида яккахон кизикчилик дастури намойишларини амалга оширган санъаткор сифатида ҳам тарихда қолди. Унинг ижро борасидаги ўзига хос изланишлари мавзулару сўзлар оҳанглирида, имо-ишораларда ёрқин акс этиб турарди. Афруски, 2008 йилнинг 24 июлида машҳур кизикчи, атокли сўз устаси Ҳожибой Тожибоев оламдан ўтди...



“Кулгу умрни узайтиради” деган гап бор. Ҳожибой Тожибоевдан эҳтимол, кўринмас дард исканжасини парчалаб бўлса-да, тинмай ижод қилиш, муттасил изланишлар, меҳнатлару заҳматлару эвазига бекиёс санъати билан миллионлаб одамларнинг умрларини узайтирди. Кулги дарғаси бугун жисман орамизда йўқ, бироқ видеокассеталар, аудиокассеталардаги ёзувлари, “ойна жаҳон”даги, радио эфирларидаги чиқишлари орқали миллион-миллион инсонлар умрини узайтиришдек шарофатли фаолиятини давом эттирмоқда. Устоз юзага чиқарган кизикчилик анъаналари изланувчан шогирдлар Аваз Охун, шунингдек, Ортик Султонов, Зокир Очилдов сингари сўз усталари томонидан муносиб тарзда ривожлантирилмоқда. Қолаверса, ҳажв, кулги санъати йўналишларида унумли ижод қилаётган “Миллион”, “Дизайн” каби гуруҳлару навирон, истеъдодли кизикчилар фаолият

тида Ҳожибой Тожибоевдан мерос санъатнинг ёрқин таъсирлари намоен бўлмоқда. Санъат ва маданият институтида тахсил олаётган бетақрор сўз устасининг кизи Интизор Тожибоева “Ота”, “Гулчатоӣ”, “Муҳаббат учун”, “Соткин” каби фильмлардаги роллари, шунингдек, хонанда Абзал Хусановнинг “Айрилик” кўшиғи клипдаги ижроси билан мухлислар эътиборини қозонди.

“Изланишдан из қолар, изланганни излашар, исташар”, деб ёзганди шоир Тўлқин Раҳим. Дарҳақиқат, ҳаётини, борлигини, тафаккурую истеъдодини ижодга, кизикчилик санъати ривожига бағишлаган Ҳожибой Тожибоевдан ўчмас, унутилмас излар қолди, санъаткорнинг Хўжанд шаҳридаги қабри хамиша гуллару чечакларга, райхонларга бурканиб турибди.

Зайниддин НОРМАН,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

E'tirof

УСТОЗИГА МУНОСИБ ШОГИРА

Ўзининг бетақрор ишлари билан нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам машҳур бўлган уста ганчкор Маҳмуд Усмонов мактабидан кўплаб маҳоратли усталар етишиб чиққан. Улар орасида Ўзбекистон халқ устаси, Ўзбекистон Бадий академияси Олтин медал соҳиби Асрол Мухторовнинг алоҳида ўрни бор. Устанинг санъат оламига йўли, шубҳасиз, ўз тарихига эга.



– Еттинчи синфда ўқитганимда отам биз фарзандларини циркка олиб бордилар, – дейди Асрол ака. – Томошадан қайтаётганимизда отам кўзойнакли бир киши билан саломлашгандан сўнг мени у одамга таништириб, шундай дедилар: “Тўнғичимиз бўлади, Маҳмуд ака. Расм чизишга унча-мунча кўли келади, меҳнаткаш. Шогирдликка олмайсизми?” Уста тўғарак сешанба кунлари ишлашини, бемалол боришим мумкинлигини айтди.

Шундай қилиб Асрол Мухторов Маҳмуд Усмонов тўғарагига қатнай бошлади. Албатта, дастлаб қайналди, иши юришмади. Устанинг танбехлари ва тушунтиришларидан сўнг ганч билан анча “чиқишиб” қолди. Унинг қўлидан тайёр холда чиққан биринчи буюм қандил эди. А.Мухторов уста Маҳмуд Усмонов билан ўн уч йил бирга ишлади. Шу давр мобайнида устандан нафақат ганчкорлик санъатининг нозик кирраларини ўрганди, балки ҳаёт мактабини ҳам ўтади.

– Устоздан жуда кўп нарсани ўргандим, – дейди Асрол ака – Биринчи навбатда шо-

гирдларга нисбатан меҳрибон ва айни пайтда талабчан бўлишни, танлаган касбига фидоийлики, кези келганда, камчиликларга мурасасиз муносабатда бўлишни, камтарлик ва меҳнатсеварликни ўргандим. “Хунардан пул ишлашни мақсад қилиб қўйма. Ишингни ҳалол ва юракдан бажарсанг, пулининг ўзи сени қидириб топади”, дерди устоз.

Дарҳақиқат, уста Асролнинг Маҳмуд ота билан бирга ишлаган давлари унинг ҳаётида олтинга тенг кунлар бўлиб қолди. Айниқса, 1966 йилги Тошкент эзиласи пайтида Алишер Навоий номидаги театр безакларига зарар етган жойларни таъмирлаш жараёни ёш уста учун катта тажриба мактаби бўлди. Устозларнинг ишларини тиклаш тараддудида тушган Маҳмуд ота аввал яхшилаб режа тузиб, кейин ўзи билан ишлайдиган шогирдларни танлашга киришди ва рўйхатга биринчилар қаторида Асрол Мухторовнинг номи эзилди. Бинони таъмирлаш жараёнида ёш уста санъатнинг сирли олами билан янада яқиндан танишди. Шундан сўнг бошқа жойларда ҳам таъмирлаш ишлари билан шугулланишди. Айниқса, Самарқанднинг 2500 йиллиги муносабати билан музей залларининг деворларини безатиш ишлари Асрол аканинг хотирасида бир умр муҳрланиб қолди. Ўша пайтда иш жараёнини кўздан кечириш учун келган давлат раҳбари Ш.Рашидов уста ва шогирдлар ишидан мамнунлигини билдириб шундай деганди: “Маҳмуд ака, Сиз билан ишлаётган шогирдларингиз чакки эмас. Уларнинг ҳар бири йигирматадан шогирд тайёрлашган”.

Хуллас, устозидан фотиҳа олган А.Мухторов мустақил иш бошлади. Шуниси эътиборлики, Маҳмуд ота ўз бригадасининг ҳар бир аъзосини устоз даражасига кўтаришга эришди. Шогирдларидан бири Асрол Мухторов ҳам кўплаб шогирдлар тайёрлади ва ҳамон устозликни давом эттирмоқда. Асрол аканинг нафис санъати билан сайқал топган бинолар нафақат юртимизда, балки ундан ташқарида ҳам кўплаб топилади. Улар орасида пойтахтимиздаги “Туркистон” саройи, Олий Мажлис биноси, Фарғонадаги вилоят театри биноси, Теурийлар тарихи давлат музейи, “Халқлар дўстлиги” саройи, Ўзбекистон Ташки ишлар вазирлиги биноси, “Баҳоуддин Накшбанд” мажмуаси, Тошкент халқаро аэропорти, Халқ амалий санъати музейи каби кўплаб объеклар бор. Эҳ-хе, устанинг шогирдлари билан биргаликда бажарган ва бажарётган ишларининг саногига етиб бўлмайди. Туркманистон, Украина, Россия каби кўплаб чет давлатларда амалга оширган ганчкорлик

ишлари ҳам устанинг қўли гул эканидан далолатдир.

А.Мухторовнинг қўли остида хунардандликни ўрганган Маҳмуд Обидов, Исроил Ражабов, Олим Жабборов, Нигмат Юсупов, Зафар Иброҳимов, Ҳикмат Азимов, Азим Ахроров каби шогирдлари бугун устоз даражасига етиб қолишди.

– Устознинг асосий вазифаси шогирдларга камчиликка йўл қўймамасликка ёрдам бериш, – дейди Асрол ака. – Зотан, устознинг энг яхши касбий фазилатларидан бири шогирд тайёрлашдир. Агар устанинг шогирди бўлмаса, у худди мевасиз дарахтга ўхшаб қолади. Хунар ўрганмоқчи бўлган одам Абулқосим Фирдавсийнинг қўлидаги байтини яхшилаб ўқиб олиши керак:

Хунар ўрганурсан хунар ахлидан,
Қочмасанг меҳнату ранжу ташвишдан.
Асрол аканинг “Уста ва шогирд одоби” номи китоби устози Маҳмуд Усмонов хотирасига бағишланган. Китобда, асосан, ўзбек халқ хунардандчилигининг тарихи, устозларнинг шахсий ҳамда касбий фазилатлари, уста ва шогирд одоби, ёшларга хунар ўргатишнинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўз боради. Уста ва шогирд, меъморий обидалар ҳақидаги ривоятлар китоб мазмунини бойитишга хизмат қилган.

А.Мухторов бугун миллий ганчкорликнинг гирх, ислимий услубларини, турли мураккаб қирма пардоз ва чоки пардоз каби миллий нақшларни, Тошкент йўналишида панжара, рангли ойна каби усулларни қайта тиклаб, оммалаштириш борасида жиддий изланишлар олиб бораёпти. Ўйилари Ақром ва Саидқиром Мухторовлар ота изидан бориб, ҳозирги кунда мустақил ижод қилишлар. Энг муҳими, устанинг ўзи доимо ҳаракатда. Ижодий ишлар билан бирга шогирдлар тайёрлашга ҳам астойдил киришган.

Айни кунларда уста “Хунарданд” уюшмаси фахрийларининг раиси сифатида кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўляпти. Уюшмада ўтказилган тадбирларда фаол катнашаётган 75 ёшли серғайрат устани гоҳ шогирдлари ишини кузатиб, маслаҳатлари билан кўмаклашаётган, гоҳ кўрғазмалар тайёрлаш ишларида ёрдам бераётган пайтда учратасиз. Махсулотлар сифатини янада яхшилаш борасидаги таклифлари, ўринли кўрсатмалари иш жараёнида асқотмоқда.

Улуғ соҳибқирон Амир Темур шундай деган экан: “Бир одам қўли билан меҳнат қилса, оддий қосибдур, агар қўли ва акли билан ишласа устадур, одам қўли, акли ва юраги билан ишласа, демак, у ҳақиқий хунарданддир”. Устоз ганчкор Асрол Мухторов ҳақиқий хунардандлар қаторидан жой олишга муносиб инсон сифатида хурмат ва эътиборга лойик.

Гулчехра УМАРОВА

Yangi spektakl

Нафақат адабиётшунослар, балки кино, театр соҳаларида бот-бот мурожаат қилиб, улуг мутафаккир тафаккуру дурдоналарининг мағзини чақишга, асарларидан тараннум этилган умуминсоний гоҳларни тарғиб қилишга киришаётганлари – Навоийни англаш саодатига интилишдир.

ТҲЙГА МУНОСИБ ТҲЁНА

Самарқанд вилояти мусикали драма театри ижодий жамоаси таникли режиссёр Шухрат Санакулов бошчилигида хайрли, айни пайтда масъулиятли ишга қўл урди. Навоийнинг “Лисон утайр” асари асосида Шокиржон Муродов томонидан инсценировка қилинган “Ишқ бўстони” спектакли саҳналаштирилди.

Мазкур асарни саҳнада жонлантириш жуда катта изланиш ва меҳнат билан бирга, ўзига хос ижодий жасоратни ҳам талаб қилди, десак янглишмаймиз. Боиси, асарни шунчаки баён қилмай, унинг моҳиятига эътибор қаратиш лозим бўлди. Шоир ушбу асарда кушлар тимсолида тасаввуф йўлига кирган ва Аллоҳга етишишга астойдил киришган ошиқларни тасвирлаган.

Саҳна асарида кушлар дастлаб мажлис курмок учун йиғилади, лекин мажлисда ўрин таллашиб, жанжаллашиб қолади. Улар агар бир адолатли подшоҳ бўлганида, бахсга ҳожат қолмасди, деб ўйлайди. Шунда Худхуд Симуруғ номили шундай подшоҳ борлигини, унинг хузурига бормоқчи бўлганлар узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтишлари зарурлигини айтади. Улар Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру Фано деб номланувчи етти водий оша сафарга отландилар. Йўл давомида кўп қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Асар давомида “Мақсад – ҳамма нарсдан устун! Мақсад йўлида бемаъни иллатлардан воз кеч”, деган хитоб янграйди. Йўлда ҳатто баъзи кушлар ўлимдан, қийинчиликдан кўрқиб ортга қайтмоқчи ҳам бўлади. Бирок вақт олий

ҳакам, у кушларнинг иродасини тоблаяди. Охир-оқибат, Симуруғни орзу қилган ўттиз куш ўзларини ўша Симуруғ сифатида кўрадилар. Ҳар бири ўзлари учун зарур хулосалар чиқариб олгани актёрлар томонидан ниҳоятда таъсирли ижро этилган. Айниқса, Шайх Санъон родини ижро этган Дилмурод Ҳамраев асар моҳиятини очиб беришда маҳоратини ишга солган.

Спектаклда доира ва бошқа миллий зарбли чолғулардан унумли фойдаланилгани асарнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилган. Мазкур томоша мухлисларга аслида ҳаёт ўткинчи, манманликини йиғиштириб, пок ҳаёт кечирмок, ҳар бир инсон кўнглини авайламок лозимлигини, дунда фақат эзгулик, адолат устувор бўлиши кераклигини яна бир бор англашти йўлидаги эзгу қадамдир.

Ролларни ижро этган Дилмурод Ҳамраев, Шохсанам Облоқулова, Баҳриддин Умаров, Чарос Мардонова, Азиза Ҳоғамова, Зарина Ботирова, Бобур Тоштемиров, Баҳриддин Умаров, Хуршид Баратов каби ёш актёрлар Навоийнинг дурдона асари мағзини томошабинга етказиш масъулиятини уддалаганлар.

Ташкил топганининг 110 йиллигига тайёргарлик кўраётган, айни кунларда қайта таъмирланиб, чирой очиб бораётган шаҳримизнинг бош санъат қошонасига мос ушбу асар ижодий жамоанинг ютуғи ҳамда катта тўйга муносиб тўёнадир.

Сарвиноз МАМАНОВА

Adabiy-badiiy nashrlar

“Жаҳон адабиёти”

2023 йил июль, август сонлари

“Жаҳон адабиёти” журналининг навбатдаги сонлари нашрдан чиқди. Июль ойи сонидан машҳур америкалик адиб Жон Апдайкнинг “Югур, Куён” номили романи таржимаси босила бошланди. “Эрк ва масъулият ўртасида мудом саргардон инсоният қисмати ёш бир йиғит кечинмалари воситасида қаламга олинган “Югур, Куён” романи инглиз тилидаги асарларнинг энг сара юзталигига киритилган”, деб ёзади мазкур роман таржимони Алишер Отабоев кириш сўзида.

“Муҳаррир минбари” рукнида берилган “Тазарру қалб кў-

зининг очилишидир” сарлавхали мақолада муаллиф Аҳмаджон Мелибоев Қадим Шарк Ренессансининг жаҳон тамаддунидаги ўрни ва аҳамияти, мусулмон дунёсининг гуманистик сийсати, мусулмонларнинг илм-фанга муносабати, мусулмон олимларининг оламшумул ютуқлари ва уларнинг фарблик тадқиқотчилар, сийсатчилар томонидан тан олинishi ҳақида мулоҳаза юритилди.

Замонавий туркий тилли адабиётнинг ёрқин вақилларидан



бири, Озарбайжон халқ шоири Наби Ҳазрий шеърятидан намуналарни ўқтамоқ таржимасида ўқийсиз.

Шунингдек, ушбу сонда ёзувчи Незмат Арслоннинг “Орқа томонга югураётган киши” эссеси, М.Аҳмедон инсоният қисмати ёш бир йиғит кечинмалари воситасида қаламга олинган “Югур, Куён” романи инглиз тилидаги асарларнинг энг сара юзталигига киритилган”, деб ёзади мазкур роман таржимони Алишер Отабоев кириш сўзида.

“Муҳаррир минбари” рукнида берилган “Тазарру қалб кўзининг очилишидир” сарлавхали мақолада муаллиф Аҳмаджон Мелибоев Қадим Шарк Ренессансининг жаҳон тамаддунидаги ўрни ва аҳамияти, мусулмон дунёсининг гуманистик сийсати, мусулмонларнинг илм-фанга муносабати, мусулмон олимларининг оламшумул ютуқлари ва уларнинг фарблик тадқиқотчилар, сийсатчилар томонидан тан олинishi ҳақида мулоҳаза юритилди.

Замонавий туркий тилли адабиётнинг ёрқин вақилларидан бири, Озарбайжон халқ шоири Наби Ҳазрий шеърятидан намуналарни ўқтамоқ таржимасида ўқийсиз. Шунингдек, ушбу сонда ёзувчи Незмат Арслоннинг “Орқа томонга югураётган киши” эссеси, М.Аҳмедон инсоният қисмати ёш бир йиғит кечинмалари воситасида қаламга олинган “Югур, Куён” романи инглиз тилидаги асарларнинг энг сара юзталигига киритилган”, деб ёзади мазкур роман таржимони Алишер Отабоев кириш сўзида.

“Муҳаррир минбари” рукнида берилган “Тазарру қалб кўзининг очилишидир” сарлавхали мақолада муаллиф Аҳмаджон Мелибоев Қадим Шарк Ренессансининг жаҳон тамаддунидаги ўрни ва аҳамияти, мусулмон дунёсининг гуманистик сийсати, мусулмонларнинг илм-фанга муносабати, мусулмон олимларининг оламшумул ютуқлари ва уларнинг фарблик тадқиқотчилар, сийсатчилар томонидан тан олинishi ҳақида мулоҳаза юритилди.



Ўзбекистон миллий тасвирий санъатида ҳайкалтарошлик асарларининг алоҳида ўрни бор. Вазифаси ва мазмунига кўра, ҳайкалтарошлик монументал, безак, дастгоҳ ва майда ҳайкалтарошлик каби турларга бўлинади.

Бугунги кунга келиб ҳайкалтарошлик ёшлар орасида ҳам кенг оммалашган. Бу соҳага қизиқувчилар турли мактаблар


лабаларидан бири, ёш ҳайкалтарошлик ёшлар орасида ҳам кенг оммалашган. Бу соҳага қизиқувчилар турли мактаблар

республика кўрик-танловиди Гран-при, “Юрт келажиги”, “Ёш хунармандлар” республика танловларида биринчи ўрин, Япония, Франция, Бельгия, Хитой ва бошқа давлатлардаги халқаро танловларда ҳам муносиб ўринларни эгаллаган. IX Тошкент халқаро замонавий санъат

Ёш бўлишига қарамай, М.Пардаев “Шайхназар портрети”, “Ибн Сино”, “Шум бола”, “Лазги”, “Талаба қиз” “Беруний” каби ижод намуналари билан “Илхом”, “Азамат ва азаматлар” номли шахсий кўргазмаларини ташкил қилган. Юқорида номлари кел-

Таникли ёзувчи Гафур Ғулломнинг машҳур “Шум бола” асарида тасвирланган Қорабой образи ёш ҳайкалтарошликнинг ижод намуналари орасида ажралиб туради. Маъруф Пардаев мазкур асарда ёш бўлишига қарамай даврнинг ижтимоий қийинчиликларини, синовла-

ИЗЛАНИШЛАР ПАЛЛАСИ



ва усталар ёрдамида ҳайкалтарошлик сирларини воқиф бўладилар. Юртимизда тасвирий санъатнинг бошқа турлари каби ҳайкалтарошлик соҳасида ҳам моҳир мутахассисларни етиштириб берувчи ўқув даргоҳлари орасида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти етакчи. Мазкур олий таълим муассасасининг истеъдодли та-

М.Пардаев дастлабки таълимни санъат мактабида олган. Ҳозир Камолитдин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтининг маҳобатли ҳайкалтарошлик таълим йўналишида ўқишни давом эттиряпти. У ижод намуналари билан халқаро ва республика танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлган. “Камалак юлдузлари”

Биеннаесининг “Халқаро тасвирий ва амалий санъат фестивали”да иштирок этиб, Олтин медал билан тақдирланган. Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан ташкил этилган “Янги Ўзбекистон” боғи “Мустақиллик” монументининг бунёд этилишида ҳайкалтарош профессор-ўқитувчилар билан биргаликда ўз хиссасини қўшди.

тирилган асарлари услубнинг ўзига хослиги, қахрамонлар тасвирининг табиийлиги билан ажралиб туради. Масалан, “Лазги” асари гипсандан фойдаланиб ишланган. Унда тарихий, миллий рақсларимиздан бири бўлмиш Хоразм лазгисини ижро этаётган йигитнинг



хатти-харакатлари, ташки қиёфаси тасвирланган. Хатто рақс ижрочисининг энгил ҳаракат қилаётгани ҳам яққол сезилиб туради.

рини бошдан кечиришга мажбур бўлган, оддий нарсалардан бахт топиб, ўзини хурсанд қилаётган болакай образини маҳорат билан тасвирлаган. Дунё ташвишларини елкасига олган, ёшлик ва беғуборликни ҳаёт захмати ва синовларига алмаштирган ёш йигитча – Шум бола тасвирланган мазкур композиция кўплаб танлов ва фестивалларда санъат ихлосмандлари томонидан эътироф этилган.

М.Пардаевнинг ижодий ишлари она Ватанга муҳаббат, тарихий сиймоларга ҳурмат, аждодлардан гурурланиш ҳис-туйғуларига йўғрилган. Ижодкор тарихий қиёфаларни моҳирлик билан яратгани туфайли буюк сиймолар гўё қаршимизда ўтиргандек туюлади.

Ёш ижодкор Маъруф Пардаевга изланишларда собит бўлишини, ҳар бир асарда ҳайкалтарош сифатидаги дастхати ёрқин акс этиб туришини тилаб қоламиз.

Дилафрўз ҚУРБОНОВА



Gul ko‘p, chaman ko‘p...

МЭРИ ПОППИНСНИНГ ОНАСИ

Адибанинг асл исми-фамилияси Хелен Линдон Гофф. У Австралияга Ирландиядан келиб қолган мухожир оиласида туғилган.

Хелен болалигидан актриса бўлишни орзу қилган. Ёшлигида Сиднейда шу мақсад йўлида илк қадамларини қўйган, хатто Шекспирнинг “Ёз окшомидеги туш” пьесасида Титания ролин ижро этган. У “Биллур овози ва кўхлик лагофати” билан ажралиб турган.

Тахаллус олиш ўша даврларда актрисалар учун урфга кирган эди, шунинг учун Хелен эрта вафот этган семимли отаси исмини тахаллус сифатида танлайди – Памела!

Памела Линдон Трэверс шундай пайдо бўлган.

СИРЛИ ПАМЕЛА ТРЭВЕРС

П.Трэверснинг хийла сирли аёллиги турли тахмин ва миш-мишларга сабаб бўларди. Унинг кўплаб ишқий саргузаштлари, инглиз разведкасига хизмат қилганидан жосу ва бошқа кўплаб томонлари ҳақида гап тарқалган эди. Уларнинг қайси бири ҳақиқат, қайси бири уйдирма эканини биров билмасди.

ПАМЕЛА ТРЭВЕРСНИНГ ЎҒЛИ

Памела одамови бўлган. У оила қурмаган ва қирқ ёшида фарзанд асраб олган. Мунажжим башорати билан (у ҳар бир ишнинг мунажжимлар билан маслахатлашиб қилган) эгизак болалардан бирини боқиб олади. Болани ҳеч нарсадан кам қилмай энг яхши мактабларда ўқитади, унинг истеъдодли, ижодкор бўлишини орзу қилади. Аммо асраб олинганини боладан сир саклайди.

Камиллус 17 ёшга кирганда эгизагини кўриб таниб қолади. Бу болага кучли таъсир қилади ва у ўғай онани алдагани учун кеҳиролмайди. Шундан сўнг унинг ҳаёти парокандаликка юз туттади, у ўқишни ташлаб, ичкиликка берилади.

Ёзувчи бар меросини Камиллуста қолдиради, уни бирданига сарф қилиб юбормаслиги учун қолдирган пулини бўлиб-бўлиб беришни васият қилади. Камиллус 2011 йили Лондонда вафот этади.

МЭРИ ПОППИНСНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Ёш адибанинг ҳаёлида қаттиққўл ва қибрилли, аммо оккўнгил ва меҳрибон Мэри Поппинс образи қачон пайдо бўлгани ҳақида мунаққидлар хануз бир тўхтама қелишгани йўқ. П.Л.Трэверснинг ўзи эса, бу образ ҳаёлида қачон пайдо бўлганини эслаб олмаслигини айтади. Эҳтимол, болаликда қичқинтой Линда сингилчаларини тинчлантириш учун ғаройиб воқеаларни сўзлаб берганда пайдо бўлгандир. Ёки ўзи зотилжам касаллигига чалиниб, ёлғиз қолган пайтларида ўйлаб топгандир. Хуллас, 1926 йили ёш журналист П.Л. Трэверс ўзи ишлайдиган “Christchurch Sun” газетасида “Мэри Поппинс ва гугурт сотувчи” хикоясини эълон қилади. Кейинчалик бу хикоя асарнинг иккинчи бобидан жой олади.

1934 йилдан 1988 йилгача ғаройиб энага ҳақида саккизта китоб ёзилади, аммо биринчи китобдаги юксак муваффақият кейинги китобларда такрорланмайди. Дастлабки учта китоб анъанавий трилогия, қолган бешта китоб эса кўшимча сифатида қабул қилинади.

ФИЛЬМЛАР

Мэри Поппинс ҳақида жами учта фильм суратга олинган. Асар 1964 йили биринчи марта экранлаштирилган. Дисней студиясининг махсулоти ўша давр учун бениҳоя қимматли саналган. Кейинчалик кинотасмаларда мультипликация қахрамонларини актёрлар билан бирга суратга олиш анъанага айланади. 60 йил олдинги кино учун бу натижа ёмон эмас эди.

“Мэри Поппинс” фильми бир йўла бешта “Оскар” мукофотиغا, шунингдек, бир неча бошқа мукофотларга ҳам сазовор бўлган.

2013 йилда бу фильм Америка Қўшма Штатларининг “Нобел фильмлар рўйхати”га киритилган.

2018 йили суратга олинган “Мэри Поппинс қайтмоқда” фильми эса, дастлабки фильм эришган ютуқларини такрорлай олмади.

Hajviya

Ўқитувчилар хонасига мактабнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари Бўрибосаров икки кўлида иккита беҳи кўтарганча жилмайиб кириб келди. Чизмачилик ўқитувчиси Тўғрибойнинг ширин хаёллари остин-устун бўлди. Бўрибосаров беҳиларни Тўғрибойнинг олдида – столга қўйди.

– Шу сурат чизилган пайтида сиз онангизни эмиб юрган бўлсангиз керак-а, Тўғрибой? – Бу нима деганингиз? Санъатни тушунасизми ўзи? Ахир, бунга Сальвадор Дали чизган. – Ким... ким...? – Сальвадор Дали. – Яна бир айтинг. Тўғрибек, Дали, деб қўяқолди.

– Деб ҳам кўринг, деб ҳам кўринг, мен шу мактабнинг ўти билан кириб, кули билан чиқиб юрган одамман. Бўрибосаров томоғига тўр тушиб, бўғила бошласа ҳам тўхтамади. – Ё сиз мени анови мактаб боғидаги меваларни сотади, деб ўйлайсизми? Гумдон бўлган тахта билан краскаларни ҳам балки мен уйга ташигандирман. Худого шукр, актлар жойида.



ҚОРА КИЙИК

– Ўзимизнинг боғда битган. Яхши кўрган одамимга шундан совга қиламан. Тўғрибой ўзини босди. “Бир балоси бўлмас...” деган ҳикматни эслади. Бўрибосаров муддаога ўтди. – Ука, хафа бўлманг, бўлди-битди шундайман... Ичимда ўтим кўп. Тўғрибой индамади. Бўрибосаров эса, айтилмайдиغان гапни ҳам айтиб юборди. – Йиллим – Қора кийик! Тўғрибой тушунди. Аста-аста бошланган кулгуси, салкам қаҳ-қаҳага айланди. – Шунга олдинроқ айтмайсизми... – Ҳа... энди ҳамма-ҳаммага ҳам айтиб бўладими? – Менга айтаверинг, элашма этмайман. Шундай қилиб, Бўрибосаров ўзининг ишдан ҳайдалиш хавфини бироз бостиргандай бўлди. Ахир, уришиб чиқмаган одами йўқ. – Тавба, – дея ўйлади Тўғрибой, – кеча нима бўлдию, бугун нима? Кеча эса қуйидаги дилхиралик бўлиб ўтганди. Бўрибосаров аллақандай суратга махлиё бўлиб ўтирган чизмачилик ўқитувчисини бир “сузиб” олди:

– Ана... ўлманг... дали-да, дали... ўзимизнинг далилардай дали-да. Тўғрибек беҳтиёр: “Қаллангиз ишлайдими ўзи?” деб юборди. Бўрибосаров шу “қалла” сўзига ёпишиб олди. – Ҳали бизнинг қалла ишламайдиган бўлдимми? Бизнинг қалла-я. Элликка кирган одамнинг қалласи-я. Тўғрибек нима дейшини билмай қолди. Бўрибосаров эса овозини янада кўтарди. – Сиз ўзи нимага гердаясиз? Кўп биласизми ё “Хурмат тахтаси”даги сурат эсанкиратдим, “Мактов қоғози” олганингизга бурнингиз кўтарилдими? – Мен хали сизга нима дедим? – деди Тўғрибек бироз довлариб. Бу гап Бўрибосаровга чекинишдай кўринди. У ўнг қўлини гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб қичқира бошлади.

– Сизга ким шундай деб айтди? Ўғрини эса топишадди. Бўрибосаров тинчланиш ўрнига чаён чакқандай чинқириб юборди. – Сиз! Сиз! Ишқемасиз, муттахамсиз. Болаларга ўргатадиганингиз фақат ажи-бужи чизиклар. Бўрибосаров эртаси куни, совга қилган беҳилари таъмин билиш баҳонасида, яна келди. – Зўр экан... беҳингизни солиб палов ҳам пиширдик, – деди Тўғрибой жанжалнинг олдини олиб. Тўғрибойнинг таклифи билан буфетга киришди. Чизмачилик ўқитувчиси директор ўринбосарини қаймоқ билан меҳмон қилди. Бўрибосаров лабидаги қаймоқ юқини салфетка учиди артиб, аста пичирлади: – Қаймоқлашганга нима етсин...

1 Қора кийик – тўнғиз мучалининг яшириб айтилиши. Сотим АВАЗ

Gazetxon ilhomi

ОЮ КҮЁШ СУЯНҒАН ШОҒИМ

ЎРГИЛАЙИН ЎЗБЕКISTONДАН

Минг шукр, юртим тинч, боланинг порлок Кўзлари йўлимни ёритган чирок, Оналар кўнглидан хавотир йироқ, Ўзим ўргилайин Ўзбекистондан.

Осонга узатсам етар қўлларим, Юлдуздай чарақлаб турар гулларим, Уфқларга туташи равои йўлларим, Ўзим ўргилайин Ўзбекистондан.

Боболар бу юртга жонини тиккан, Момолар айрилиқ оғусин ютган. Не марду майдонлар тупроғин ўпган, Ўзим ўргилайин Ўзбекистондан.

Нечоғли азиздир, шоҳ Бобур айтсин, Фурқатдек бағри қон мусофир айтсин, Айрилиқ шиддати шаштидан қайтсин, Ўзим ўргилайин Ўзбекистондан.

Отамни бағрига олган бу макон, Менинг ҳам кўнглим тўқ, уни ҳеч қачон Жисимим тарқ этмайди, тарқ этса ҳам жон. Ўзим ўргилайин Ўзбекистондан.

СЕНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Отамерос уйим ўзингсан, Райҳон исли қуйим ўзингсан, Боламдай хушбўйлим ўзингсан, Сени яхши кўраман, Ватан.

Ўзингдирсан гуллаган боғим, Ою кўёш суянган тоғим, Бирдек азиз гулу антоғим, Сени яхши кўраман, Ватан.

Қалбимга кўр солди муҳаббат, Билдим недир азобу роҳат, Энди яхши кўрсам ҳам фақат Сени яхши кўраман, Ватан.

Ерга суксам гуллар қаламим, Меҳринг дилдан аритар гамим,



Ишқинг билан ёруғ оламим, Сени яхши кўраман, Ватан.

Тилимдадир қутлуг каломинг, Ўзбекистон, улугвор номинг, Шайнинг – шайним, шонингдир шоним, Сени яхши кўраман, Ватан.

АТИРГУЛ

Жилмайиб бош эгншга моҳир, Ҳаёл наҳот шу қадар оғир?! Умр қисқа ва гўзал ахир, Эй, ҳовлимда ўсган атиргул, Гул юзини тўсган атиргул.

Кўнглинг олган кўёш эмасми? Тонгги шудринг кўёш эмасми? Маъюслик кўз бўяш эмасми? Эй, ҳовлимда ўсган атиргул, Гул юзини тўсган атиргул.

Ёлғизликдан наҳот бағринг қон? Лабинг тишлаб турибсан хайрон, Недан қалбинг бўлмоқда вайрон? Эй, ҳовлимда ўсган атиргул, Гул юзини тўсган атиргул.

Қизарганча ерга бокасан, Хушбўй шамолларда оқасан, Севиб қолдинг?! Сен ҳам ёқасан! Эй, ҳовлимда ўсган атиргул, Гул юзини тўсган атиргул.

Мохитгул МУСТАФОЕВА

O'zbekiston adabiyoti va san'ati logo and contact information: Manzilimiz: Toshkent-100066, Buningkor k'uchasi, Adiblalar xiyoboni, U'zbekiston U'zuvchilar uo'shmasi binosi. E-mail: uzas.gzt@mail.ru

Muassis: U'ZBEKISTON U'ZUVCHILAR UO'SHMASI logo and contact information: Bosh muharrir Xumoюн AKBAROV

Journal information: Taxiriyatga kelgan k'uz'ezmalar taxsil etilmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Muzaliflar fikri taxiriyat nuqtasi nazaridan farqlanishi mumkin. Nava'tchi muharrir Shuxrat AZIZOV, Saxifalovchi Nigora TOSHEVA. Contact: 0283 raqam bilan ruyxatga olingan. Adali - 1107. Bujortma G - 938. Xajmi - 3 bosma tabok, A - 2. Nashr k'ursatkichi - 222. Tashkilotlar uchun - 223. 1 2 3 4 5 6